БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 138

21 АВГУСТ ШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА. **Қурилишлар учун йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш тўғрисида** (1 ва 2-нчи бетлар).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони. Тошкент темир йўлининг Тошкент области бўйича етакчи касбдаги старший ва ўрта бошлиқлар составини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида (2-нчи бет).

М. Зиёмуҳамедова. — Ёш бинокорлар (2-нчи бет).

Х. Петров. — Мас'улиятсизлик оқибати (2-нчи бет).

Дала ишларини намунали уюштириб, ҳосилга-ҳосил қўшишни қизғин давом этдирайлик! Ю. Ҳамдамов. — Мўл ҳосил йўлида (3-нчи бет).

М. Дубинский. — Чорва молларининг қишловига намунали тайёргарлик кўрайлик (3-нчи бет).

Ш. Кузанбоев. — Тошкент райони колхозларидаги жиддий нуқсонлар (3-нчи бет).

Москвада халқаро студентлар союзи кенгашининг сессияси очилади (4-нчи бет).

Индонезиянинг талаби (4-нчи бет).

Брюссельда Ғарбий Европадаги олти мамлакат министрларининг кенгаши очилди (4-нчи бет).

Америка ҳарбий самолёти Ҳиндистон ҳаво чегарасини бузди (4-нчи бет).

Партия йиғилиши — тарбия мактаби

Партиямизнинг саноат маҳсулотларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин равишда юксалтириш йўли блан халқ фаровонлигини оширишга қаратилган қарорларини муваффақиятли бажариш бошланғич партия ташкилотларининг омманинг ижодий ғайрати ва ташаббусига раҳбарлигини кучайтиришни ҳамда саноат корхоналари ва колхоз, совхоз, МТС ишлаб чиқаришида коммунистларнинг авангардлик ролини оширишни талаб қилади.

Бошланғич партия ташкилоти — партиямизнинг негизидир; у ишчи, деҳқон ва интеллигентларни партиянинг раҳбар органлари блан боғлайди, меҳнаткашларни партия сиёсатини амалга оширишга, хўжалик ва маданий қурилиш планларини бажаришга сафарбар этади.

Бошланғич ташкилот коммунистларнинг активлиги блан, ҳарбир коммунистнинг ўз ташкилоти ишига жавобгар эканини сезиши ва омма ўртасида доимий сиёсий иш олиб бориши блан кучлидир. Партиямизнинг XIX с'езди ҳарбир коммунист партия қарорларини бажариш учун актив курашчи бўлиши керак, коммунистнинг партия қарорларига формал муносабада бўлиши партиянинг жанговарлик қобилиятини бўшаштиради, деб та'кидлаган эди.

Партиямиз томонидан халқ хўжалигининг барча соҳаларини юксалтириш тўғрисида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун барча партия а'золарининг активлиги ва ташаббускорлигини оширишда ҳамда ҳарбир бошланғич ташкилотнинг жанговарлик қобилиятини юксалтиришда партия йиғилишлари катта роль ўйнайди.

Партия йиғилиши бошланғич ташкилот ҳаётига, партиявий хўжалик ишига оид ҳамма масалаларни муҳокама қилади. Муҳокама вақтида тегишли вазифалар атрофига жамоатчилик фикрини тўплайди, партия коллективининг ирода ва ҳаракат бирлигини вужудга келтиради.

Партия йиғилишлари коммунистларнинг партия қарорлари ва директиваларини бажариш учун курашга, ўз-ўзини танқид ва айниқса қўйидан бўладиган танқид воситаси блан камчиликларни тугатишга сафарбар этади. Партия йиғилиши партия а'зо ва кандидатларнинг партия иши учун жавобгарлик ҳиссини ошириди, ишда коллективчилик ва онгли интизом руҳини тарбиялайди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XIX с'езди бошланғич ташкилотларда партия йиғилишини ҳар ойда камида бир марта чақирилиши кераклигини белгилади. КПСС Устави партия йиғилишининг бошланғич ташкилот ҳаётидаги аҳамиятига юксак баҳо берди, уни коммунистларни тарбиялаш мактаби эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтди.

Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари КПСС Устави ва с'езд кўрсатмаларига амал қилиб, галдаги сиёсий ва хўжалик вазифаларни бажаришда бошланғич партия ташкилотининг ролини ошириш ва коммунистларнинг партия ҳаётида ҳамда ишлабчиқаришда активлигини кучайтириш учун партия йиғилишларини планди равишда ва пухта тайёргарлик блан ўтказмоқдалар, МТС, колхоз ва совхоз ҳаётида бошланғич ташкилотнинг раҳбарлик ролини кучайтирмоқдалар, партия а'зо ва кандидатларининг ишлабчиқаришда актив иштирокини та'минламоқдалар.

Янгийўл районидаги Маленков номли колхоз бошланғич партия ташкилоти коллектив хўжалигининг ҳамма тармоқларини комплекс равишда ривожлантиришда коммунистларнинг авангардлик ролини оширишда ва маданий қурилиш соҳасида йил сайин янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқда. Шу кунларда бошланғич партия ташкилоти коммунистларнинг куч ва ғайратини пахтадан мўл ҳосил етиштиришга, пахтачиликда механизациядан кенг равишда фойдаланиш йўли блан давлат планини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этмоқда. Бу ерда колхоз ҳаётига оид масалалар партия йиғилишларида мунтазам муҳокама қилиб турилади.

Партия йиғилишининг боришидан коммунистларнинг қанчалик активлигини, партия ташкилотининг коллективнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, колхоз ва МТС ишлабчиқаришига та'сири қандайлигини билиш мумкин.

Лекин бирқанча бошланғич партия ташкилотларида партия йиғилишининг аҳамиятига етарли баҳо берилмайди. Партия йиғилишлари формал равишда ва пухта тайёргарликсиз ўтказилади.

Масалан, Мирзачўл районидаги 1-нчи МТС партия ташкилоти партия йиғилишларини вақтида ўтказмайди, йиғилишни актив ўтказиш учун олдиндан пухта тайёргарлик кўрилмайди. Яқинда бошланғич партия ташкилотида ўтказилган партия йиғилиши белгиланган вақтдан анча кечикиб бошланди. Докладчи, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Холиқов докладга яхши тайёргарлик кўрмай, докладда ёритилиши керак бўлган масалалар юзасидан қайта-қайта минбарга чиқиб сўзлади. Унинг докладида МТС партия ташкилотининг ишида бўлган ютуқ ва камчиликлар батафсил акс эттирилмади, вазифалар белгиланмади. Шунинг натижасида партия йиғилиши жуда руҳсиз ўтди. Қабул қилинган қарорда эса МТС коллективининг, бошланғич партия ташкилотининг муҳим вазифалари аниқ белгиланмади.

Мирзачўл районидаги Хрушчев номли колхозда 11 коммунист бор. Бу ерда партия йиғилишлари вақтида ўтказилмайди. Йиғилишни ўтказишга олдиндан тайёргарлик кўрилмаслиги орқасида коммунистлар сўзга чиқмайдилар. Ҳамма йиғилишларда фақатгина партия ташкилотининг секретари Ахмонов, колхоз раиси Винков ва кассир Ериев ўртоқларгина сўзлайдилар. Партия йиғилишининг расмият учунгина ўтказилиши натижасида қабул қилинган қарорлар бажарилмай қолади. Масалан, партия йиғилишида чорвачиликни ривожлантириш, ем-хашак тайёрлаш масалалари юзасидан қабул қилинган қарорлар бажарилмади. Шунингдек ғўза парваришини кучайтириш ҳақида партия йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор ҳам қоғозда қолиб кетди. Йиғилишда ғўза қатор ораларини ишлаш графигини бажаришга алоҳида эътибор бериш та'кидланган эди. Бироқ, шундан кейин ҳам иш графиги бажарилмай келмоқда.

Ба'зи бошланғич ташкилотлар партия йиғилишини ўтказиш учун юқоридан кўрсатма бўлишини кутадилар. Район партия комитетлари эса асосан юқори партия органларининг пленумлари қарорларини муҳокама қилиш учунгина партия йиғилиши ўтказишни тавсия қиладилар. Шунинг натижасида партия а'зо ва кандидатларининг КПСС Уставига риоя қилишларига оид масалалар, сиёсий ҳуш'ёрликни ошириш, кишилар онгидаги капитализм қолдиқларини йўқотиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлабчиқаришда коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш каби муҳим масалалар партия йиғилишларида муҳокама қилинмай қолади.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь, февраль — март ва июнь Пленумлари қарорларидан илҳомланган областимизнинг меҳнаткашлари бу йил мамлакатга 500 минг тонна пахта етиштириб бериш мажбуриятини олдилар. Бу вазифани муваффақиятли бажариш биринчи галда қишлоқ партия ташкилотлари ва қишлоқ коммунистларнинг активлигини ҳарқачонгидан ҳам оширишни талаб қилади. Ҳозирги вақтда бошланғич партия ташкилотларининг бутун фаолияти августнинг қолган кунларида ғўза парваришини давом этдириш блан бирга пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўришга қаратилиши лозим. Бу масалалар колхоз ва МТС бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишида ҳартомонлама муҳокама қилиниши ва мавжуд камчиликларни тезлик блан тугатиб, мўл ҳосил тўплаш ҳамда йиғим-теримини уюшқоқлик блан ўтказишга бутун куч ва воситалар сафарбар этилиши лозим.

Партия йиғилиши ҳарбир коммунист учун трибунадир. Коммунист партия йиғилишида ўз тажрибалари ва таклифларини сўзлаб бериши, муҳокама қилинган ҳарбир масала юзасидан ўз фикрини эркин айтиши керак. Партия йиғилишида қабул қилинадиган қарорларнинг ижроси учун кураш — бошланғич ташкилот фаолиятида энг муҳим ишдир. Партия комитетлари ва бошланғич ташкилот секретарьлари қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан доимий контроль олиб боришлари керак.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим район партия комитетлари КПСС Устави томонидан белгиланган асосий вазифани — бошланғич партия ташкилотларига кундалик раҳбарлик қилишни унутмоқдалар. Одатда район партия комитетларининг ходимлари бошланғич ташкилотларда кам бўладилар, партиявий ташкилий ишлар блан доимий шуғулланмайдилар. Партия практикасида қораланган бундай иш услубига хотима бериш лозим. Райком секретарьлари, инструкторлар бошланғич ташкилотлар блан мустаҳкам алоқада бўлишлари, уларнинг ишига яқиндан раҳбарлик қилишлари, партия йиғилишларида муҳим масалалар юзасидан докладлар блан чиқишлари лозим. Партия йиғилишининг жонли ўтишида яхши тайёргарлик блан доклад қилиниши катта аҳамиятга эгадир. Шунингдек партия йиғилишининг қарорлари кўпчилик коммунистларнинг иштироки блан қабул қилиниши ва албатта амалга оширилиши лозим.

Партия ташкилотининг бутун ишини яхшилашда, коммунистларнинг ишлабчиқаришда авангардлигини та'минлашда, хўжалик вазифалари атрофига коллективни сафарбар этишда партия йиғилишларининг аҳамияти жуда каттадир. Шунинг учун партия йиғилишлари олдиндан пухта тайёргарлик кўрилиб танқид ва ўз-ўзини танқид шиори остида юксак савияда ўтказилиши лозим.

Партия йиғилиши бошланғич партия ташкилотининг фаолиятини яхшилашда катта роль ўйнайди, партия а'зо ва кандидатларини коммунизмнинг актив қурувчилари қилиб тарбиялайди. Бошланғич ташкилотларнинг ишчанлигини ошириш, коммунистларнинг активлигини кучайтиришда партия йиғилишларининг ролига алоҳида э'тибор берайлик.

Озарбайжонда пахта йиғим-терими

БОКУ, 19 август. (ТАСС). Озарбайжон далаларида пахта йиғим-терими бошланди. Колхоз ва совхозларда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Кўпгина колхозлар ва районлар гектаридан 30—40 центнердан, я'ни белгиланган топшириққа қараганда бир ярим-икки баравар кўпроқ ҳосил олиш учун мусобақалашмоқдалар. Пахтакорлар пахта йиғим-теримига ўтган йиллардагига қараганда яхшироқ тайёргарлик кўрдилар.

Бирқанча районларнинг колхозлари ҳозирдаёқ пахтанинг дастлабки ўнларча тонналарини тўпширдилар.

Пахта йиғим-терими блан бир вақтда ҳосил тўплаш йўлидаги ишлар ҳам давом этдирилмоқда. Ғўзалар ўсишдан кейинда қолган участкаларда культивация давом этмоқда, қондириб суғорилмоқда ва озиқлантирилмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Иттифоқи Министрлар Советида

Қурилишлар учун йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шу нарсани қайд қиладиларки, йиғма темир-бетон конструкциялар ҳамда детальлар ишлаб чиқариш ва уларни қурилишда жорий қилиш қониқарли равишда ривожлантирилмаётир.

Йиғма темир-бетон конструкцияларни саноат ва граждан уй-жой қурилишида қўлланиш металлни тежашга, ёғоч материалларнинг сарф қилинишини камайтиришга имкон беришига, меҳнат унумини ва қурилиш сур'атларини оширишни та'минлашига қарамай, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари бу масалага етарлик э'тибор бермаётирлар.

Йиғма темир-бетон конструкцияларни қурилишда қўлланиш бирқанча министрликларнинг, шунингдек проект ва қурилиш ташкилотларининг айби блан ҳозирги вақтда жуда паст даражада қолиб келмоқда. Масалан, металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлиги 1953 йилда ўзи қурган биноларнинг умумий майдонидан фақат 8,5 процентнигина темир-бетон каркас ишлатди. СССР Қурилиш министрлиги ўзи қуриб эксплуатацияга топширган биноларнинг умумий майдонидан фақат 16,5 процентидагина темир-бетон каркас ишлатган.

СССР Қурилиш министрлиги ҳамда металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлиги анча кўп миқдорда бетон қорадиган установкалар, кранлар ва бошқа механизация воситаларига бирқанча йиллардан бери эга бўлиб келганликларига қарамай, йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальларни қурилишда кенг жорий қилиш учун ўз имкониятларидан фойдаланмадилар.

Кўпгина министрликлар металлни тежашда давлат манфаатларини кўзламай қурилиш муддатларини қисқартирамиз деган важ блан биноларнинг ва иншоотларнинг қурилишда йиғма темир-бетон конструкциялар ўрнига металл конструкциялар ишлатмоқдалар, бироқ ҳақиқатда бу блан қурилиш муддатлари қисқараётгани йўқ.

Чунончи, СССР Қурилиш министрлиги, Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлиги ва СССР Кенг иste'мол саноат моллари министрлиги Камишин, Энгельс ва Барнауль шаҳарларида ип-газлама комбинатларини қурган вақтда металл конструкцияларни ишлатдилар. Бироқ, бу об'ектларнинг қурилиши Ҳукумат томонидан белгиланган муддатлардан кечикиб қолмоқда.

СССР Кенг иste'мол саноат моллари министрлиги 1954 йилда 46 та тикув фабрикаларини қуришга киришган ва бу қурилишларни 1956—1957 йилларда битказиб ишга тушириши лозим эди. Бу хилдаги қурилишлар илгари ҳамиша темир-бетондан қуриб келганлигига қарамай, тикувчилик фабрикаларининг проектлари металл конструкцияларни ишлатишга мўлжалланиб тузилган. Қурилишни тезлатиш зарур, деб шундай қилинган. Темир-бетон конструкциялар ўрнига қўшимча равишда олти минг тонна металл талаб қилган металл конструкцияларини ишлатиш тикувчилик фабрикалари қурилишин тезлаштирмади.

СССР Қурилиш министрлиги ҳамда Станоксозлик ва инструменталь саноат министрлиги 1952 йилда «Фрезер» заводида учқаватли цех биносини қуришга киришдилар. Бино проекти металл колонналари, ҳариларни ва тўсинлар қўлланишга мўлжалланиб тузилди. Бу эса йиғма темир-бетон конструкцияларга нисбатан ортиқча металл сарф этилишига сабаб бўлди. Мана шу сарф бўлган металлнинг ўзидан йиғма темир-бетон конструкциялар ясалганда ва шу темир-бетон конструкциялар блан цех биноси қурилганда эди, бу нарса бино майдонини уч баравар катта қилиб қуришга имкон берган бўлар эди.

Уй-жой қурилиши блан шуғулланаётган кўпгина ташкилотлар металлни тежаб сарф қилишнинг мажбурий қоидаларини бузмоқдалар. Уй-жой ва граждан биноларининг томларини ёпиш учун кўпинча йиғма темир-бетон детальлар ўрнига металл тўсиқлар, колоннлар, ровоқлар ва шу сингарилар ишлатилмоқда. Сталинград шаҳрида беш қаватлик гостиница биносини қуришда ва Новгород шаҳрида тўрт қаватлик уй-жой биноларини қуришда мана шундай қилинди. Уй-жой биноларини қуришда қават ораларидаги томлар ва чердак томлари учун кўпинча ортиқча нами бўлган ёғочлар ишлатилмоқда, бу эса, шу ёғочларнинг чириб қолишига ҳамда ёғоч конструкцияларни ремонт қилиш ва олмоштириш учун беҳуда харажатлар қилинишига сабаб бўлмоқда.

Қишлоқлардаги қурилишларда ҳам йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальларни жорий қилиш жуда суст бормоқда. СССР Министрлар Совети 1952 йил 26 декабрьда Қарор чиқариб, Москва область ижроия комитетига 1953 йилда колхозларда 10 минг бош чорва мол сиғадиган чорвачилик биноларини йиғма темир-бетон детальлар ишлатиб, қурдириш ҳуқуқини берган эди. Москва область ижроия комитети ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги 1953 йилда Москва областида йиғма темир-бетон детальлар ишлатиб, фақат 200 бош сигир сиғадиган битта оғилхона қурди, ҳолос.

Йиғма темир-бетон конструкцияларнинг саноатда, граждан уй-жой қурилишида ва қишлоқ хўжалик қурилишида жуда қониқарсиз қўлланилаётганлигига, шунингдек металл ва ёғочнинг нотўғри ишлатилаётганлигига техника соҳасидаги қолоқлик эмас, балки қурилиш ва проект ташкилотларининг сусткашлиги ва данжлиги сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда проект ташкилотларининг составида темир-бетон конструкцияларни расчёт қилиш ва проектлашнинг мукаммал методларини яхши биладиган малакали инженер-конструктор кадрлар етарли бўлса ҳам, лекин улар биноларнинг ва иншоотларнинг проектларини тузишда металл блан ёғочни ишлатишдан иборат эскирган техника методларини қўлланмоқдалар. Масалан, СССР Қурилиш материаллари саноати министрлигининг «Гипроцемент» институти цемент заводларининг типовой проектини тузишда бош корпус учунгина эмас, шу блан бирга, унчалик катта бўлмаган ёрдамчи характердаги биноларнинг ҳам металл конструкциялар ишлатди.

Проект ташкилотлари қурилиш конструкциялари ва детальларини типизациялаш ва унификациялаш ишларини жуда қониқарсиз олиб бормоқдалар, бу эса, йиғма темир-бетон конструкцияларни заводларда ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилмоқда. Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлигининг «Горстройпроект» институти типовой йиғма темир-бетон конструкциялар ва бинолар учун ишлатиладиган детальлар катологини тузишга киришганига жуда кўп вақт бўлганига қарамай, ҳали ҳам бу катологни тузиб бўлгани йўқ.

Москва шаҳар ижроия комитетининг Архитектура — планлаш бошқармасида ҳамда Москвадаги бошқа проект ташкилотларида типизациялаш ишлари қониқарсиз бораётганлиги натижасида шу вақтгача Москвада йиғма-типовой темир-бетон конструкциялар ва детальларнинг қўлланилиши мажбурий қилиб қўйилган каталог йўқ.

Проект ташкилотлари йиғма темир-бетон конструкциялар ишлатиб қуриладиган ва ишлаб чиқаришнинг турли цехлари сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган саноат биноларининг типовой проектларини тузиб берганлари йўқ.

Темир-бетон конструкцияларнинг расчётини қилиш, конструкциясини тузиш ва тайёрлаш техникасида кейинги йилларда анча ўзгаришлар рўй берди, бу ўзгаришлар металл ва цементни кам сарф қилиб, ғоят пишиқ юпқа devor конструкциялар вужудга келтиришга имкон беради. Олдиндан қўлланилган темир-бетонни, шунингдек ғоят пишиқ бетонни қўлланиш ҳамда конструкцияларнинг эффектив кесимларини қўлланишга ўтиш металл ва цементнинг сарф бўлишини анча камайтиришга ҳамда конструкцияларнинг оғирлигини 20—30 процент камайтиришга имкон беради.

Шунга қарамай, ҳозирги вақтда яса-лаётган йиғма детальар материалларнинг сарфланиш жиҳатидан монолит бетон ҳолида илгарилари ясалиб келган конструкциялардан кам фарқ қилади. Металлнинг сарфланишини анча камайтиручи қўлланилган арматурлар ғоят пишиқ симнинг камлиги сабабли ҳали ҳам етарлик равишда ишлатилмаётир. СССР Қора металлургия министрлиги ғоят пишиқ пўлат сим ва диаметри 2,5—5 мм ли кам карбонли пўлат симларни ҳамда арматурага ишлатиладиган пўлатнинг кам легирланган янги хилларини, айниқса кичик диаметрли арматура пўлатларини ишлаб чиқаришни жуда суст ривожлантирмоқда, бу хилдаги симларни темир-бетон ясашда ишлатиш элементлар кесимининг ўлчамини камайтиришга ҳамда металл блан бетонни тежашга имкон беради.

Қурилиш индустриясининг ва проект ташкилотларининг ходимлари ғоят пишиқ симларни, юқори маркали цементларни ва кичик фракцияларнинг тўлдиргичларини ишлатиш натижасида ҳосил бўладиган имкониятларни ҳисобга олмаётирлар.

Йиғма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқаришнинг тузук ривожланмаётганлигига яна бир сабаб шуки, СССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги ва қурилиш ишлари блан шуғулланаётган министрликлар СССР Министрлар Советининг кондан олинмайдиган қурилиш материаллари ҳосил қилишни ҳамда темир-бетон детальлар ва конструкциялар ишлаб чиқаришни ривожлантириш тўғрисида 1952 йил 26 январьда чиқарган Қарорини тўла бажармадилар ва темир-бетон буюмлар ишлаб чиқарадиган янги заводлар қуриш планларини систематик равишда бажармаётирлар.

Йиғма темир-бетон конструкцияларни полигонларда тайёрлаш усули жуда кам қўлланилмоқда, қолбуки йиғма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқаришни қурилиш майдонларининг ўзида ташкил қилиш мумкин. 1953 йилда полигон шароитида 40 минг квадрат метрга яқин катта ўлчамдаги том плиталарини ўзи ясаган «Криворожстрой» трестининг иш тажрибалари, шундай усул блан 55 минг квадрат метр плитани ўзи ясаган «Запорожстрой» трестининг иш тажрибалари, шунингдек «Центростанкострой» трестининг бу соҳадаги қилган ишлари темир-бетон конструкцияларни қурилиш майдонларининг полигонларида ясашнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини ва самарали натижалар беришини яққол кўрсатмоқда. Шунга қарамай, полигонларда йиғма темир-бетон конструкциялар ясашда ҳосил қилинган тажрибалар пропаганда қилинмаётир ва ёйилмаётир.

Ғоят пишиқ бетонлар ҳосил қилиш ва саноат биноларининг, шунингдек айрим конструктив элементларнинг конструкцияларини янгича тарзда ҳал қилиш соҳасида илмий-текшириш ишлари ҳали ҳам жуда кейинда қолмоқда.

Инерт материаллар чиқариладиган карьерларнинг жуда кам қувватлиги ва тошни чақиб-ҳиллаб берадиган установкалар қурилишининг кейинда қолаётганлиги йиғма темир-бетон ишлаб чиқаришни ривожлантиришда жиддий тўсқин бўлмоқда.

СССР Министрлар Советининг Қурилиш ишлари блан шуғулланучи Давлат комитети йиғма темир-бетон конструкцияларни қурилишда жорий қилиш ишларини етарлик равишда олиб бормади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги ва уларни уй-жой, саноат ҳамда қишлоқ қурилишларида ишлатиш соҳасида йўл қўйиб бўлмайдиган қолоқликни тугатиш мақсадида қарор қилдилар:

1. Министрликлар ва идоралар йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқаришни кўпайтирсинлар, бунинг учун мавжуд корхоналар кенгайтирилсин ва янгилари қурилсин.

Темир-бетон плиткалари, тўсинларни, колоннларни, томларга ёпиладиган панельларни, devor панельларини, кран ости тўсинларини, фундамент плиталарини, зина поляларни ва майдонларини, фермаларнинг элементларини, кўприкларнинг бўй қисмларини, тоннельлар учун тюбингларни, кўмир шахталари учун тиргакларни, трубаларни ва қозиқоёқларни (сваяларни) ҳамда бошқа темир-бетон конструкцияларни ва детальларни корхоналарда ишлаб чиқариш та'минлансин.

Министрликлар ва идоралар ҳаммаси бўлиб 1955 йилда 2844 минг кубометр ва 1956 йилда 4855 минг кубометр йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқарадиган 402 та заводни ва полигон типидаги 200 та майдончани 1955 ва 1956 йиллар ичида қуриб битказсинлар, токи бу завод ва майдончалар умумий майдонни қўйидагича бўлган уй-жой, саноат ва қишлоқ хўжалик бинолари қурилишини йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар блан та'минлайдиган бўлсин.

Йиллар	Уй-жой қурилиши (минг кв. метр ҳисоби да)	Саноат бинолари қурилиши (минг кв. метр ҳисобида)	Қишлоқ хўжалик бинолари қурилиши (минг кв. метр ҳисобида)
1955 й.	5300	2817	3230
1956 й.	9270	3767	5170
Ҳаммаси бўлиб 1955 — 1956 йилларда	14570	6584	8400

Бундан ташқари, 1955 ва 1956 йилларда кўприклар учун 15,4 минг метр йиғма темир-бетон конструкция ҳамда 3 миллион метрдан кўпроқ йиғма темир-бетон қувурлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхоналар қуриш учун топшириқ белгилансин.

2. Заводларда ва полигонларда йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин ва бунинг учун қўйидаги ҳажмда топшириқ белгилансин:

(Миллион кубометр ҳисобида)

1954 й.	1955 й.	1956 й.	1957 й.
1,860	3,515	6,085	9,790

3. Министрликлар ва идоралар уй-жой саноат ва қишлоқ хўжалик қурилишларининг проектларини тузишда ва шу қурилишларни амалга оширишда йиғма темир-бетон конструкцияларни ишлатсинлар.

Бунинг учун: саноат қурилишида йиғма темир-бетондан қилинган колоннлар, тўсинлар (ҳарилар), фермаларнинг элементлари, томларнинг панельлари, ровоқлар ва деворлар, томлар учун ғовак бетонлардан ясалган арматураси плиталар, кран ости тўсинлари, фундаментлар, дераза катаклари ишлатсинлар;

транспорт қурилишида — кўприкларнинг йиғма темир-бетондан ясалган бўй қисмларини, пассажир ва товар платформаларини ҳамда контакт шохобчаларининг таянчларини ишлатсинлар;

уй-жой граждан қурилишида — йиғма темир-бетон колоннларни, ҳариларни, томлар учун серховод ва сербўртик панельларни ҳамда енгил ва ғовакли бетонлардан томлар учун ясалган яхлит тушамаларни, уй деворлари учун панельлар, зина паялари ва майдончалари, ровоқлар, дераза плиталари ва фундаментларни ишлатсинлар;

қишлоқ хўжалик қурилишида — МТС ларнинг мастерскойлари ва гаражлар ҳамда чорвачилик бинолари учун колоннлар, тўсинлар ва плиталарни, темир-бетон теплицаларнинг, парникларнинг ва силос иншоотларининг детальларини ишлатсинлар;

шахта қурилишида темир-бетон ускуналар ва тиргакнинг бошқа элементлари;

бундан ташқари, бирсимли ва босимсиз темир-бетон ва бетон қувурлар, мачталар, электр ва алоқа линиялари учун столбалар, қозиқ оёқлар ва шунинг сингарилар ишлатилиши лозим.

Йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальларни ишлаб чиқаришда уларнинг конструкциялар ва детальларнинг тасдиқланган каталогларига ва нормаларига ҳамда амалдаги умумиттифоқ давлат стандартларига мувофиқ бўлишига қатиқ риоя қилинсин.

Ғоят пишиқ қаттиқ бетонлардан орасига ғоят пишиқ сим арматуралар солиниб ясалган юпқа ва ичи ковак эффектив йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар кўпроқ ишлатиладиган бўлсин.

4. Саноат қурилишида металлни тежаш мақсадида министрликлар ва идораларнинг проект ташкилотлари биноларнинг ва иншоотларнинг проектларини тузишда йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальларни кенг жорий қилсинлар, металл конструкцияларни темир-бетон конструкциялар, асосан йиғма темир-бетон конструкциялар блан олмоштириш мумкин бўлган ҳолларнинг ҳаммасида металл конструкциялар ишлатишлишга йўл қўймасинлар.

Алоҳида тасдиқланган бинолар ва иншоотлар рўйхатида белгиланган муддаталарда саноатнинг турли тармоқларидаги бинолар ва иншоотларни қуриш учун металл конструкцияларни ишлатиш тақиқлансин.

СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари блан шуғулланучи давлат комитети «металл, цемент ва ёғочларни қурилишда тежаб сарфлашнинг техника қоидаларини» икки ой муддат ичида ушбу қарорга мувофиқлаштириб чиқсин ва кўп тиражда нашр этсин.

5. Уй-жой ва маданий — маиший биноларнинг чидамлилигини ошириш, шу биноларни қуришда прокат металл ва ёғочнинг сарфланишини йиғма темир-бетон конструкциялар ишлатиш йўли блан камайтириш мақсадида:

а) янгидан қурилабошлаган уй-жой ва маданий-маиший биноларнинг проектларини тузишда ва уларни қуришда метал каркас ишлатиш, шунингдек қават ораликлари ва чердак томлари ҳамда ровоқлари учун металл тўсиқлар, ҳарилар ишлатиш 1955 йилдан бошлаб тақиқлансин;

б) олтиқават ва ундан кўп қаватли қилиб янгидан қурилабошлаган уй-жой биноларини ҳамда тўрт қаватли ва ундан ҳам кўп қаватли қилиб қурилабошлаган маданий-маиший биноларнинг проектларини тузишда ва уларни қуришда шу биноларнинг томларини ёпиш учун ёғоч ишлатиш 1955 йилдан бошлаб тақиқлансин;

в) тўрт қаватли ва ундан юқори кўп қаватли уй-жой биноларини ҳамда уч қаватли ва ундан кўп қаватли маданий-маиший биноларни, икки қаватли қилиб қуриладиган болалар муассасаларини қуришда ва уларнинг проектини тузишда шу биноларнинг томларини ёпиш учун ёғоч ишлатиш 1957 йилдан бошлаб тақиқлансин. Ёғоч маҳаллий бинокорлик материали бўлган районларда айрим ҳоллардагина мазкур биноларнинг томларини ёпиш учун ёғоч ва тахта материалларни ишлатишга йўл қўйилсин.

6. СССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги, Қурилиш ва йўл машинасозлиги министрлиги, Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлиги ҳамда СССР Қурилиш министрлиги йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг типовой проектларини ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари блан шуғулланучи давлат комитетига тасдиқлаш учун тақдим қилсинлар.

Министрлар Советининг қурилиш ишлари блан шуғулланучи давлат комитети йиғма темир — бетон конструциялар ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг типовой проектларини нашр этсин.

Белгиланиб қўйилсинки, йиғма темир—бетон конструцуялар ишлаб чиқарадиган ва 1955 йилдан бошлаб қуриладиган корхоналар типовой проектлар асосида СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари блан шуғулланучи Давлат комитети такрор қўлланиш учун тавсия қилган тежамли проектлари асосида қурилиши лозим.

7. Министрликлар ва идоралар йиғма терим-бетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриш учун майдон тайёрлаётган вақтларида Ҳукуматнинг саноатни ҳамашё манба'ларига ва исте'мол районларига яқинлаштириш тўғрисидаги, шунингдек ўринсиз ва ҳаддан ташқари узоқ масофаларга ташиб боришни камайтириш тўғрисидаги кўрсатмасига амал қилсинлар.

8. Йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқарадиган заводларнинг биноларини қурганда уларнинг каркаслари учун металл конструкцияларни ишлатиш тақиқлансин, одатда уларнинг конструкцияларини йиғма темир-бетонлардан ясаш кўзда тутилсин, бунинг учун мазкур заводларни қураётган вақтда йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальларни полигонларда ясаш ташкил этилсин.

9. Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлиги СССР Қурилиш министрлиги ва СССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги блан бирликда саноат қурилиши учун унификация қилинган йиғма темир-бетон буюмлар ва конструкцияларнинг номенклатурасини ва типовой ўлчамларини ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари блан шуғулланучи давлат комитетига 1954 йил декабрь ойидан кечиктирмай тақдим қилсин.

СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари блан шуғулланучи давлат комитети йиғма темир-бетон конструкцияларнинг мазкур номенклатурасини ва типовой ўлчамларини 1955 йил февраль ойидан кечиктирмай кўриб чиқсин ва тасдиқлансин.

10. Бир қаватли ва кўп қаватли универсал саноат биноларининг саноатнинг турли тармоқларида қуриш учун ярайдиган янги типларини қурилиш практикасида жорий қилиш зарур, деб топилади, бунинг учун Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлиги:

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советида

Қурилишлар учун йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш тўғрисида

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

а) ишлабчиқариш биноларидан бир қаватли учта типовой бинонинг проектларини 1954 йилда ишлаб чиқсин, бу биноларнинг узунлиги 18 ва 24 метр, колонналарнинг оралиғи 6 метр бўлсин, баландлиги ва юкламалари унификацияланган, 5—30 тонна юк кўтарароладиган кўприк-кранлар блан ускуналанган бўлсин, шу биноларнинг умумий майдони 10—16 минг квадрат метр бўлиб, йиғма темир-бетон конструкциялардан қурилсин, узунлиги 15 метрдан ортиқ бўлган бинолар учунгина металл стропиль фермаларни ишлатишга йўл қўйилсин;

б) икки секциядан иборат тўрт қаватли ва уч секциядан иборат беш қаватли ишлабчиқариш биноларининг типовой проектларини ишлаб чиқсин, бу биноларнинг темир-бетон конструкциялардан қурилсин, колонналарнинг сеткаси 6 х 6 метр, эни 36 метр бўлсин, баландликлари ва юкламалари унификация қилинган бўлсин, бу ишлабчиқариш бинолари озиқ-овқат моллари саноатининг, кенг истеъмол моллари саноатининг, радиотехника ва электротехника саноатининг, машиний хизмат кўрсатиш саноатининг корхоналари ва бошқа корхоналар учун қурилиши мумкин бўлсин, битта бинонинг ўзида ишлабчиқариш ва ёрдамчи цехлар, шунингдек складлар ва контора жойлаштирилиши мумкин бўлсин, бу биноларнинг:

проект топшириқлари 1954 йил октябрь ойида тайёр бўлсин,

иш чертёжлари 1955 йил 1 кварталда тайёр бўлсин,

санитария — техника ва электротехника ишларининг иш чертёжлари 1955 йилнинг иккинчи кварталида тайёр бўлсин.

СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари блан шуғулланучи давлат комитети бир қаватли ва кўп қаватли ишлабчиқариш биноларининг мазкур типовой проектларини қурилишда қўлланиш учун тасдиқлансин.

11. СССР Тайёрлаш министрлиги ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат материал резервлар бош бошқармаси йиғма темир-бетон конструкцияларидан қуриладиган дон складларининг типовой проектларини СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари блан шуғулланучи давлат комитетига келиштириб олиш учун 1954 йил 1 сентябрьдан кечиктирмай тақдим қилсин.

СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари блан шуғулланучи давлат комитети йиғма темир-бетон конструкциялардан қуриладиган ғалла складларининг типовой проектларини бир ой муддат ичида келиштириб, уларни 1955 йил 1 мартгача нашр этсин.

12. Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлиги йиғма темир-бетон конструкцияларни ва детальларни уй-жой, саноат ва қишлоқ хўжалиги қурилишларида ишлатиш тўғрисидаги кўрсатмаларни СССР Қурилиш министрлиги, Йўллар министрлиги, Электростанциялар министрлиги, СССР Нефть саноати министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, СССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги ва СССР Архитектура академиясининг иштироки блан 1955 йил II кварталдан кечиктирмай ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари блан шуғулланучи давлат комитетига тақдим қилсин, шу кўрсатмаларда пўлат блан ёғоч конструкциялар ва детальлар ўрнига йиғма темир-бетон конструкциялар ишлатиладиган соҳаларни анча кенгайтириш ҳамда олти қаватли ва бундан ҳам кўпроқ қаватли уй-жой ва граждан бинолари учун тошдан пойдевор қилишни чеклаб, бу биноларнинг пойдеворларини йиғма бетон ва темир-бетонлардан ясаш лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.

13. Темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқарадиган заводларни қуришни ва уларнинг ишлабчиқариш қувватларини ишга солишни тезлатиш мақсадида 1954 йилда сарфланадиган капитал маблағ қуйидагича кўпайтирилсин:

а) СССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги учун 185 миллион сўм миқдорида;

б) СССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги учун 69,8 миллион сўм миқдорида;

в) Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлиги учун 40,2 миллион сўм миқдорида;

г) қурилиш ва йўл машинасозлиги министрлиги бўйича йиғма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқарадиган заводлар учун ускуналар ишлаб чиқарадиган заводларни кенгайтиришга 1954 йилда бериладиган капитал маблағнинг ҳажми 35 миллион сўм миқдорида кўпайтирилсин.

14. Йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг қувватларини 1955—1956 йилларда ишга солиш юзасидан ушбу қарорда белгиланган топшириқларнинг бажарилишини та'минлаш мақсадида СССР Госплани, Авиация саноати министрлиги, Автомобиль, Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги, Қоғоз ва ёғоч ишлаш саноати министрлиги, СССР Нефть саноати министрлиги, Мудофаа саноати министрлиги, Йўллар министрлиги, Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлиги, Электростанциялар министрлиги, СССР Автомобиль транспорти ва тошйўллар министрлиги, СССР Ички ишлар министрлиги, СССР Мудофаа министрлиги, СССР гўшт ва сут маҳсулотлари саноати министрлиги, СССР Озиқ-овқат моллари саноати министрлиги, СССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги, СССР Кенг истеъмол моллари саноати министрлиги, СССР Балиқ саноати министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, СССР Қурилиш министрлиги, СССР Кўмир саноати министрлиги, СССР Рангдор металлургия министрлиги, РСФСР Министрлар Совети, Украина ССР Министрлар Совети ва Главмосстрой йиғма темир-бетон саноатини ривожлантириш учун 1955 йилда 1 миллиард 725 миллион сўм ва 1956 йилда 2 миллиард 160 миллион сўм капитал маблағ ажратсинлар.

15. Йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқарадиган заводларни ўз вақтида ишга тушириши та'минлаш мақсадида:

а) Қурилиш ва йўл машинасозлиги министрлигига бир йилда 120, 60, 30 ва 15 минг кубометр темир-бетон буюмлар ишлаб чиқарароладиган, йилига 60 ва 30 минг кубометр темир бетон труба ишлаб чиқарадиган заводлар, 30 минг кубометр архитектура детальлари ишлаб чиқарароладиган заводларнинг технология ускуналарини тайёрлаб бериб, шу ускуналар блан мазкур заводларни та'минлаш ҳамда йилига 120, 60, 30 ва 15 минг кубометр ғовакли бетон ишлаб чиқарадиган заводларнинг технология ускуналарини ишлаб чиқариб, уларни шу заводларнинг ускуналарини монтаж қилиб бериш вазифаси юклатилсин;

б) заводлар ва полигонлар учун технология ускуналарининг проектларини тузиш ва шу ускуналарни ясашда Кемасозлик саноати министрлиги, СССР Кўмир саноати министрлиги, Электротехника саноати министрлиги, Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлиги, Станкосозлик ва инструментал саноати министрлиги, Машинасозлик ва асбобсозлик министрлиги, СССР Нефть саноати министрлиги, Мудофаа саноати министрлиги, СССР Қурилиш министрлиги ва Транспорт машинасозлиги министрлиги корхоналарининг иштирок қилиши албатта шарт деб топилсин;

в) Қурилиш ва йўл машинасозлиги министрлиги ушбу қарорда кўрсатилган заводларни та'минламоқ учун технология ускуналарини проектлаш ва ишлаб бериш юзасидан «б» моддасида санаб ўтилган министрликларга бериладиган топшириқлар тўғрисидаги таклифларни икки ҳафта муддат ичида СССР Министрлар Советига ва унинг копиясини СССР Госпланига тақдим қилсин.

СССР Госплани манфаатдор министрликлар блан бирликда шу таклифларни бир ой ичида кўриб чиқсин ва ўз фикрини СССР Министрлар Советига тақдим қилсин;

г) белгилаб қўйилсинки, шу қарорнинг 18-а моддасида санаб ўтилмаган, йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ҳамда ғовакли бетонлар ишлаб чиқарадиган заводларни, цехларни, шунингдек полигон установкаларни ускуналар блан та'минлаш ва монтаж қилиш ишлари мазкур заводлар ва установкалар қарамоғида бўлган министрликлар томонидан бажарилади.

16. Пишиқлик синфараси 180 кг/мм² бўлиб, диаметри 2,5—5 мм ли пўлат симдан 20 минг тоннани, 1955 йилда 30 минг тоннани, 1956 йилда, ГОСТ 6727—53 бўйича камкарбонли пўлат симдан 50 минг тоннани 1955 йилда 30 ва 120 минг тоннани 1956 йилда заводларда ва полигонларда йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш учун министрликларга фонд қилиб ажратишни СССР Госплани кўзда тутсин, СССР Қора металлургия министрлиги эса, шу симларни етказиб берсин.

17. СССР Қора металлургия министрлиги темир-бетон конструкцияларни арматуралаш учун АНЛ—1 маркали кам легирли пўлатдан 6, 7, 8 ва 9 мм ли периодик профиллик катанкалар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўғрисида ўз таклифларини икки ой муддат ичида СССР Министрлар Советига тақдим қилсин.

18. СССР Қурилиш министрлиги қўшимча равишда 1954 йилда:

а) СССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги учун 49,1 миллион сўм ҳажмида, шу жумладан, темир-бетон буюмлар ишлаб чиқарадиган заводлар қурилиши бўйича: Москва областининг Клин шаҳрида — 2,7 миллион сўмлик, Киев шаҳрида 4,5 миллион сўмлик, Ленинград шаҳрида — 3,6 миллион сўмлик, Москва области Вязовка қишлоғида темир-бетон архитектура детальлари заводи учун 3,6 миллион сўмлик; темир-бетон қувурлар ишлаб чиқарадиган — Москва области Серпухов шаҳридаги завод учун 2,7 миллион сўмлик; Москва шаҳридаги (Филидаги) завод учун 3,0 миллион сўмлик, Москва области Вязовка қишлоғида пеносилинат буюмлар ишлаб чиқарадиган завод учун 9,0 миллион сўмлик темир-бетон, плита-тушамалар чиқарадиган установкалар қуриш бўйича Харьков шаҳрида 5,0 миллион сўмлик, Ростов-Дон шаҳрида 5,0 миллион сўмлик, Краснодар шаҳрида 5,0 миллион сўмлик, Москва шаҳрида 5,0 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарсин, шу жумладан Челябинск шаҳридаги «Строммашина» заводи қурилиши бўйича 2,5 миллион сўмлик, Харьков шаҳридаги «Красний Октябрь» заводи учун 2 миллион сўмлик, Кострома шаҳридаги «Строммашина» заводи учун 5 миллион сўмлик, Иванова области Кохма шаҳрида бетон ва темир-бетон буюмлар ишлаб чиқариш учун ускуналар тайёрлайдиган заводга 3 миллион сўмлик ва Ростов-Дон шаҳридаги «Строммашина» заводига 2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб берсин.

19. Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлиги 1954 йилда СССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги учун 13,8 миллион сўмлик қурилиш-монтаж, ишларини бажарсин. Шу жумладан, Москва области Коломна шаҳридаги темир-бетон буюмлар заводи қурилиши бўйича 3,8 миллион сўмлик ҳамда Кривой-Рог ва Запорожье шаҳарларида темир-бетон плита-тушамалар чиқарадиган установкалар қуриш бўйича ҳарқайсиси учун 5,0 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини техника ҳужжатлари блан та'минланмаган об'ектлар ҳисобидан бажариб берсин.

20. Йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлатиб, қуришнинг илғор методларини пропаганда қилиш ҳамда қурилишлардаги инженер-техник ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида 1955 йилда йиғма йирик ўлчамли конструкциялар ва детальлар ишлатиб, индустриал методларни қўлланиб, тажриба-кўрсатма бўладиган саноат, қишлоқ хўжалик, уй-жой ва маданий-маиший бинолар қуриш ташкил қилинсин, шу мақсад блан Главмосстрой Москва шаҳрида уй-жой биноси, мактаб ва касалхонани, СССР Қурилиш министрлиги — саноат қурилишлари кўп бўлган районларнинг бирида саноат биносини: СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги — Украина ССР, Белоруссия ССР ва Қозоғистон ССР да МТС бинолари комплексини шундай усуллар блан қуришни ташкил қилсинлар.

Мазкур тажриба-кўрсатмали қурилишларда ишларининг бажарилиши барча министрликлар ва идораларнинг инженер-техник ходимларига намуна қилиб кўрсатилсин.

СССР Маданият министрлиги йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлари кенг суратда ишлатиб, саноат, қишлоқ хўжалик ва уй-жой биноларини индустриал тартибда қуриш тўғрисида 1955 йилда тўла метражли оммабоп техника кинофильми тайёрлаб чиқарсин.

21. СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари блан шуғулланучи давлат комитети:

а) йиғма темир-бўтон ишлаб чиқариш ва ишлатишдаги илғорлар тажрибасини умумлаштирсин ва комплекс механизациялаш ҳамда янги техникани қурилишда жорий қилиш давлат планларида йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальларнинг янги типларини ўзлаштириш бўйича топшириқларни кўзда тутсин ҳамда йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш ва ишлатиш соҳасидаги муваффақиятларни вақтли матбуотда систематик равишда ёритиб турсин;

б) йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальларни унификациялаш ва стандартлаш ишларини кучайтирсин, стандартлаш йиллик планларида заводда ишлаб чиқариладиган йиғма конструкциялар ва детальлар учун Давлат Умуминтиффоқ стандартлари ишлаб чиқишни кўзда тутсин;

в) 1955 йилнинг бошида бинокорлар Бутуниттифоқ илмий инженер-техника жамияти блан бирликда темир-бетон ва бетон бўйича Бутуниттиффоқ конференцияси ўтказилсин.

22. СССР Госплани ва СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари блан шуғулланучи давлат комитети манфаатдор министрликлар ва идоралар блан бирликда йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальларни ишлабчиқаришни планлаштириш ҳамда уларнинг қурилишда ишлатилишини ҳисобга олиш учун икки ой муддат ичида кўрсатмалар ишлаб чиқсинлар ва белгиласинлар.

23. СССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги:

а) йиғма темир-бетон буюмларнинг улгуржи нархларни учун СССР Госплани ҳамда СССР Министрлар Советининг Қурилиш ишлари блан шуғулланучи давлат комитети блан келишилган прейскурант проектини Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлиги ҳамда СССР Қурилиш министрлиги блан бирликда ишлаб чиқсин ва йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальларнинг илғор ишлаб чиқарадиган заводларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини ҳисобга олиб, ҳаражатларини ва ишлаб чиқариш таннархи ҳаражатларини асосланиб уларни кўтара сотиш нархини анча камайтиришни кўзда тутучи мазкур прейскурант проектини 1954 йил 1 октябрьгача СССР Министрлар Советига тақдим қилсин;

б) ишлабчиқариш шароитида тез қотадиган ва йиғма темир-бетон конструкциялар ҳамда детальлар ишлаб чиқариш процессини анча қисқартиришга имкон берадиган цементни ишлаб чиқариш шароитида ҳосил қилиш учун зарур текширишларни ўтказсин ҳамда шундай цемент ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларни 1955 йил 1 апрельгача СССР Министрлар Советига тақдим қилсин;

в) темир-бетондан ясаладиган дераза катаклари, қишлоқ хўжалик биноларининг томини ёпмоқ учун арматура блан ишланган темир-бетон қопқоқлар, йиғма темир-бетон деворлар конструкцияси икки ой муддат ичида ишлаб чиқилсин, тайёрлансин ва синовдан ўтказилсин ҳамда мана шу конструкцияларни ва детальларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлар СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари блан шуғулланучи давлат комитети блан бирликда СССР Министрлар Советига тақдим этилсин.

24. СССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги, Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлиги, СССР Қурилиш министрлиги, СССР Нефть саноати министрлиги, СССР Кўмир саноати министрлиги йиғма темир-бетон ишлаб чиқарадиган ва машиностроение қарашли бўлган ишлабчиқариш ҳамда ёрдамчи корхоналарни ихтисослаштиришни назарда тутиб, уларнинг ишларидаги фойдаланишни яхшилаш тўғрисидаги таклифларни икки ой муддат ичида ишлаб чиқсинлар ва СССР Министрлар Советига тақдим этсинлар.

25. СССР Қурилиш материаллари саноати министрлигига энг рационал темир-бетон конструкциялар ва детальларни ишлаб чиқмоқ, шунингдек йиғма темир-бетон ясаш учун зарур бўлган мосланмалар, асбоблар ва формаларни ишлаб чиқиш учун Бутуниттифоқ темир-бетон илмий-текшириш институти ҳузурида 1954 йилда конструкторлик бюроси ташкил қилиш ҳуқуқи берилсин. Мазкур конструкторлик бюроси умуман министрлик бўйича инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг 1954 йил учун белгиланган сони ва ишҳаки фонди доирасида ташкил қилинсин.

26. СССР Кўмир саноати министрлиги шахталар учун йиғма темир-бетон тирговлар ишлаб чиқаришни ва уларни кенг миқёсда қўлланишни ривожлантириш тўғрисидаги таклифларни бир ой муддат ичида ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига тақдим этсин.

27. СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари блан шуғулланучи давлат комитети қарорнинг бажарилишини систематик равишда контрольлик қилиб турсин ва унинг бажарилиши ҳақида КПСС Марказий Комитети блан СССР Министрлар Советига ма'лумот бериб турсин.

СССР Олий Совети Президиумининг фармони

Тошкент темир йўлининг Тошкент области ўйича етакчи касбдаги старший ва ўрта бошлиқлар составини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида

Темир йўл транспортида кўп йил хизмат қилганликлари учун СССР Олий Совети Президиумининг 1949 йил 28 июльдаги Фармонига мувофиқ **мукофотлансинлар:**

ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН

1. Абдураҳмон **Абдуллаев**—Тошкент-кондукторлар резервининг бош кондуктори.
2. Владимир Григорьевич **Андреев**—Йўл хизмати ишлабчиқариш бўлимининг бошлиғи.
3. Зиёдбек **Асадуллабеков** — Йўллар министрлиги локомотив хўжалик хизматининг старший қабулчи-инспектори.
4. Апсатар **Байгунов**—Тошкент йўл дистанциясининг назоротчиси.
5. Прокофий Антонович **Балакин** — Урсатьевский ёқилғи складининг бошлиғи.
6. Егор Яковлевич **Бондаренко** — Урсатьевский паровоз депосининг машинисти.
7. Спридон Семенович **Бочкарев** — Урсатьевский йўл дистанциясининг йўл мастери.
8. Григорий Ерофеевич **Бунеев** — Чиноз станциясининг навбатчиси.
9. Александр Григорьевич **Вареник**—йўл бошлиғининг ёрдамчиси.
10. Константин Андреевич **Ведешкин** —Тошкент пассажир паровоз депосининг машинист-инструктори.
11. Захар Петрович **Галкин**—Урсатьевский станцияси пост навбатчиси.
12. Нина Израиловна **Гершинская**—молия бўлимининг экономисти.
13. Михаил Андреевич **Глобус** — Тошкент алоқа станциясининг старший электромеханиги.
14. Порфирий Антонович **Головий** — Тошкент участкасининг даромадлар бўйича ревизори.
15. Сергей Михайлович **Дагаев**—ҳаракат хизматининг бошлиғи.
16. Мирсоат **Далимов** — молия бўлимининг поездлар контроль-ревизори.
17. Ҳожи **Жумабоев** — Урсатьевский ёқилғи складининг стрелкачиси.
18. Александр Протасевич **Жидкий**—Ченгельди станцияси оборот паровоз депосининг навбатчиси.
19. Йўлдош **Исломов** — Тошкент пассажир паровоз депосининг машинисти.
20. Николай Сергеевич **Ильинский** — Кауфман станцияси бошлиғининг старший ёрдамчиси.
21. Петр Иванович **Казарцев** — Тошкент 1-нчи йўл машина-станциясининг қабул ва бўшатиш бўлимининг бошлиғи.
22. Аркадий Ильич **Кайтельгиссер** — юридик бўлимнинг бошлиғи.
23. Григорий Иванович **Канишин** — Тошкент вагон учаскасининг поезд-вагон мастери.
24. Иван Ефимович **Козленко** — Урсатьевский паровоз депосининг машинисти.
25. Петр Иванович **Косманов** — 56-нчи раз'езд станция бошлиғи.
26. Федор Андреевич **Кочигин** — Тошкент кондукторлар резервининг инструктори.
27. Владимир Николаевич **Кошеков**—локомотив хўжалиги сув блан та'минлаш хизматининг бўлим бошлиғи.
28. Яков Иванович **Краснобаев** — Тошкент товар станцияси техника конторасининг бошлиғи.
29. Фрол Николаевич **Крегин** — Урсатьевский вагон депоси касаба союзининг раиси.
30. Анна Федоровна **Лабзина** — Темир йўл бошлиғининг секретариат бошлиғи.
31. Иван Емельянович **Лобанок** — Урсатевский вагон участкасининг поезд-вагон мастери.
32. Леонтий Яковлевич **Мазурец** — Ченгельди станция депосининг навбатчиси.
33. Яков Владимирович **Малюченко**—Урсатьевский станциясининг вокзал бошлиғи.
34. Антонина Григорьевна **Мартиненко** — молия бўлимининг экономисти.
35. Василий Иванович **Мигунов** — Урсатьевский станция бошлиғининг старший ёрдамчиси.
36. Нишон **Миртолипов** — Тошкент пассажир паровоз депосининг машинисти.
37. Михаил Иванович **Муревьев** — Тошкент товар станцияси тепловоз депоси бошлиғининг ўринбосари.
38. Султон **Муҳиддинов** — Тошкент йўл дисстанцияси йўл назоратчиси.
39. Зия Содиқович **Муҳамедов** — Тошкент кондукторлар резервининг бош кондуктори.
40. Алексей Филиппович **Набатников** — молия бўлимининг поездлар контроль-ревизори.
41 Александр Вячеславович **Нагаев** — Тошкент товар станцияси бошлиғининг ўринбосари.
42. Юсуп Раҳмонович **Назаров** — Молия бўлимининг поездлар контроль-ревизори.
43. Николай Григорьевич **Наумов** — Тошкент бўлими участка ревизорининг ёрдамчиси.
44. Борис Кузьмич **Никитин** — Урсатьевский паровоз-депосининг машинисти.
45. Константин Сергеевич **Новиков**—йўллар электромеханик мастерскойининг инженери.
46. Петр Никитович **Овчинников** — Қизил тўқимачи станциясининг стрелкачиси.

(ДАВОМИ БОР).

Ёш бинокорлар

— Ҳорманглар ўтилларим! — деди кўчадан ўтиб нетатуриб Олимота, зўр қизиқиш блан жадал ишлаётган ёшларга қараб.

— Саломат бўлинг, отахон! — деб жавоб берди ёшлардан бири.

Олимота қўлини пешонасига соябон қилиб, ҳали батамом битмаган бино устида бир хил кўк кийим кийган 30 чоқли йигитнинг ғайрат блан ишлаётганликларини кузатарди. Бинонинг ҳаммаёғига диққат блан разм солиб чиққан Олимота:

— Барака топинглар, болаларим, қўлларинг дард кўрмасин. Ҳунарларингга тан берса арзийди, — деди ёшларнинг ишидан мамнун бўлган ҳолда.

Бир қанча ёшлар ғишт ташиноқда, бирнечаси лой келтириш блан банд, бошқалари эса чаққонлик блан ғишт терноқда.

Фрунзе районидаги Заводской кўчасида қурилаётган бу бино янги озиқ-овқат магазини эди. Лабзак ва Гончаров кўчаларида қад кўтарган ҳамда ўзининг бежиримлиги блан кўзга яққол ташланиб турган катта озиқ-овқат магазинларини ҳам Тошкентдаги Ўзбекистон меҳнат резервалари бошқармасига қарашли 24-нчи қурилиш ҳунар мактабининг шогирдлари бўлган ана шу ёшлар қурганлар.

Ҳозирги вақтда ёшлардан бир группаси Бухоро областидаги районларда электростанция қурилишида, иккинчи группаси Тошкент районидаги Сталин номли колхозда катта молхона қурилишида муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Ёшларнинг яна бир группаси Қозоғистон ССРнинг Кўкчитов областидаги янги ўзлаштирилган ерларда стандарт уйлар қуриб бериб, катта ҳурматга сазовор бўлмоқдалар.

Бу ерда мастер И. Асқаров бошчилигида В. Сидоров, М. Нурхонов, Ш. Шокиров, Х. Маткурбонов, Х. Йўлдошев, Н. Матфозилов, И. Эркабоев каби қуручи ёшлар кундалик иш нормаларини 1,5—2 ҳисса қилиб бажармоқдалар. Мастер Х. Маматқулов бошчилигида ишлаётган Б. Раҳмонов, Х. Жумаев, М. Зарипов, Х. Жўраев ўртоқлар кундалик иш нормаларини 150—180 процентга етказиб, этмоқдалар. Шогирдлар мактабда 16 ой давомида олган назарий билимларини бу ерда амалий иш блан мустаҳкамламоқдалар.

Ҳунар мактабида шогирдлар учун ҳамма шароит мавжуд. Мактаб устахонаси дурадгорлик, суворчилик, ғишт териш ва бошқа бинокорлик ишларида қўлланиладиган асбоб-ускуналар блан тўла та'минланган.

Мактабда бой китоб фондига эга бўлган кутубхона бор. Кутубхона ўнлаб ҳархил газета ва журналлар олиб туради. Бу ерда спорт, шахмат ва шашка мусобақалари ҳам мунтазам равишда ўтказилади, илғорлар ва қолоқлар ишини кўрсатучи «Молния» ўз вақтида чиқариб турилади. Шогирдлар учун ишдан кейинги соатларда ўқитучилар ва мастерлар томонидан консультацияларр уюштирилмоқда.

Ҳунар мактабида республикамизнинг ҳамма областьлари ва Қорақалпоғистон АССРдан келган ёшларни кўриш мумкин.

Шу кунларда ёшлар ҳунар ўрганиш даврини муваффақиятли тугаллаб, октябрь ойида бўладиган имтиҳонларга ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Бу йил ҳунар мактабини 5 хил ихтиссга эга бўлган 200 шогирд, чуночи, 45 ғишт теруччи, 45 суворчи, 50 дурадгор ва 30 слесарь сантехниклар тамомлайди. Ҳунар мактабининг партия (комитет секретари Т. Саматов) ва комсомол (комитет секретари Ж. Иброҳимов) ташкилотлари ёшларни бўлажак имтиҳонларга муваффақиятли тайёрланишларига яқиндан ёрдам бериш блан бирга, янги ўқув йилига ўз вақтида тайёрланишда ҳам яхши ташаббус кўрсатмоқдалар. Мактаб биноси, стол-стуллар ва устахонадаги дурадгорлик асбоб-ускуналари ремонтдан чиқарилди, 21 минг сўмга турли мебель ва инвентарьлар олинди.

Бу йил мактабга киришни истаб ариза берастганлар сони ўтган йилдагига нисбатан анча кўп. Ма'мурият ва партия ташкилоти бу ҳунар мактабига ёшларни кўплаб жалб қилиш мақсадида тушунгириш ишлари олиб бориш учун жойларга махсус вакиллар юборди.

М. ЗИЁМУҲАМЕДОВА.

Чеварлар ҳиссаси

Совет Иттифоқи озод халқларнинг улуғ ва мустаҳкам оиласидир. Бу оилада яшовчи ҳарбир граждани, ҳарбир колхозчи қудратли оиланинг умумий рўзгорига мумкин қадар кўпроқ улуш қўшсам, деган олижаноб орзу блан яшайди. Шу жумладан «Художшвейпромсоюз»га қарашли «Шарқ гули» артелининг меҳнатсевар чеварлари ҳам қудратли социалистик хўжалигимизга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Республикамиз шаҳар ва қишлоқларидаги кўпчилик маданий моллар магазинларида, Тошкентдаги марказий универмагда ва хатто Москва Давлат университал магазинида сотилаётган сўзана, гул кўпа, валдевор, ястқ авралари, қўлда ироқи гул тикилган украинча кўйлаклар, болалар костюмлари, дастурхонлар ва бошқа кўп ҳил чиройлик қилиб тикилган буюмлар ана шу артельнинг чевар хотин-қизлари қўлидан чиққан. Бу маҳсулотлар тикилишининг нафислиги ва безагининг гўзаллиги блан барча ҳаридорларга ма'қул бўлмоқда.

Артель чеварлари аҳолига кўплаб гўзал безакли буюм ва гулдор кийимлар тикиб бериш учун зўр ғайрат блан ишламоқдалар. Артельда меҳнатнинг яхши ташкил қилинганлиги, цехлар, бригадалар ва ҳарбир тикучи ўртасида ўзаро социалистик мусобақа қизитиб юборилгани натижасида бу коллектив ичида биронта ҳам ўз нормасини бажармайдиган ишчи топилмайди. Цехларда тикиладиган маҳсулотларнинг кўпи а'ло сифатга топширилмоқда, брак деярли учрамайди.

Артель коллективи шу йили биринчи кварталда социалистик мусобақада голиб чиқиб, «Художшвейпромсоюз» кўчма Қизил байроғини қўлга киритган эди. Коллектив ишлабчиқаришда янада юқори кўрсаткичларга эришиб, бу байроқни ҳозир ҳам ўз қўлида сақлаб келмоқда. Артель ишчилари 7 ойлик топшириқни 120,3 процент бажариб, давлатга 1 миллион 100 минг сўмлик қўшимча попон маҳсулотлари тикиб бердилар. Биргина июль ойининг ўзида 215 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Соня Гиззатуллина, Мутабар Сайдаҳмедова, Ҳидоят Исломова, Муборак Юсупова, Махсума Аҳмедова каби ўнлаб чеварлар артель ишлабчиқаришида энг қийин ҳисобланган гулкўрпа ва сўзана тикишда кундалик нормаларини иккиннки ярим ҳисса ошириб бажармоқдалар. Артельнинг бошқа тикучилари ҳам ғайрат блан ишламоқдалар.

Артель коллективи республикамизнинг 30 йиллик юбилейини меҳнат соҳасида муносиб совғалар блан кутиб олиш учун астойдил бел боғлаган. Бу соҳада коллектив дастлабки ютуқларни қўлга киритди.

З. ИСРОИЛОВ.

Мас'улиятсизлик оқибати

Чирчиқ «Электрошчит» заводининг коллективи зиммасига мамлакатимиз энергетик хўжалигини кўп миқдорда сифатли трансформаторлар, электрошчитлар, комплект-тақсимловчи махсус асбоб-ускуналар блан та'минлаш вазифаси юклатилган. Завод Куйбишев, Сталинград, Кама ва бошқа шаҳарлардаги катта-катта ГЭС қурилишларининг мас'улиятли заказларини ўз муддатида бажариш мажбуриятини олган.

Хўш, мажбурият олишга олинган-ку, амалий иш қандай, шу мажбурият бажарилаяптими? Афсуски, бундай ҳаҳли саволга 7 ойдан бери «йўқ» жавоби берилиб келмоқда. Мана август ойи тугаб бормоқда, завод йил бошидан бери бирон ойда ҳам давлат топшириғини бажаргани йўқ; муҳим электр асбоб-ускуналар ишлабчиқариш графиги систематик равишда бузиб келинмоқда. Завод ишлабчиқаришда асосий ўрин тутучи монтаж, трансформатор, шчит цехлари планларини зўр-базўр 50 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Бундай кўнгилсиз аҳволнинг содир бўлишига асосий айбдор ким? Ноҳатки, 7 ойдан бери бу катта завод орқада судралиб келса!

Давлат программасининг кўп вақтдан бери бажарилмай келаётгани учун асосий айбдорлар завод директори Хан ва партия ташкилотининг секретари А. Галькин ўртоқлардир. Булар бепарволик касалига учраб, ўз мас'улятларини сезмайдиган бўлиб қолганлар. Бу ўртоқлар меҳнатни тўғри ва қулай ташкил қилиш, мавжуд ички резерзларни излаб топиш ва улардан рационал фойдаланиш, ишчилар ўртасида социалистик мусобақани қизитиб юбориб, юқори кўрсаткичларга эришиш каби масалалар блан мутлақо шуғулланмай қўйганлар.

Фактларга мурожаат қилайлик.

Гапни завод раҳбарлари доим мақтайдиган трансформатор цехидан бошлайлик. Трансформаторнинг бўялган қисмларини қуритучи камера бу цех ишлабчиқаришида асосий роль ўйнайди. Қуритиш камераси нормал ишламаса, бошқа участкаларнинг иши ҳам тўхтаб қолади. Шу кунларда бу камера жуда эскириб кетганлиги туфайли детальларни бир кун ўрнига 3 кунда қуритиб чиқармоқда. Қуритиш камерасининг ишдан чиқиб қолгани туфайли меҳнат унуми 3 ҳисса камайиб кетди. Бу камера коллектив договорга кўра 1954 йил март ойида қайта ускуналаниши керак эди. Аммо бундай муҳим масалалар блан раҳбарлар, айниқса бош инженер ўртоқ Арнас қизиқмай келаётир.

Цехларда станокларнинг бекор туриши одат тусига кириб қолган. Механика цехида деярлик ҳар куни 1—2 станок бирор сабабга кўра ишсиз туради. Кўпинча станоклар ба'зи детальларни ишлашда штамп ва бошқа зарур нарсаларнинг йўқлигидан тўхтаб ётади, буларда ишловчи ишчилар эса бўш турадилар. Штамп ва бошқа асбоблар тайёрлайдиган асбоблар цехи эса керакли металл йўқлиги учун асбобларни ўз вақтида тайёрлай бермайди. Трансформатор цехида детальларни қирқучи пичоқ кўпинча етишмайди ва қирилиши керак бўлган детальлар узилиб ётади.

Ишлабчиқаришнинг нормал бормаслигида та'минот бўлимининг бошлиғи ўртоқ Фридман ҳам айбдордир. У цехларни зарур хомашё ва асбоб-ускуналар блан ўз вақтида та'минлаш ишига мутлақо эътиборсизлик блан қараб келаётир. У бошқа корхоналарга завод учун керакли нарсаларни заказ беради, аммо шу заказнинг ўз муддатида бажарилишини текшириб бормайди. Натижада кўп ишлабчиқариш участкаларида ишчи кучлари ва машиналар керакли хомашё ёки зарур запас қисм етишмаслиги туфайли бирпеча соатлаб ишсиз туриб қолмоқда.

Заводнинг техника контроли бўлими ҳам кўп вақтдан бери қониқарсиз ишлаб келаётир. Бу ердан цех техноруклариг кўпинча хом-хатала ишланган чертёжлар берилади. Масалан, ичинда Кама ГЭСи учун тайёрланиши керак бўлган заказнинг цехларга тарқатилган чертёжида блокировкаларни йиғиш учун белгиланган размерлар кўрсатилмаган. Бу бепарволик оқибатида заказ ўз вақтида бажарилмай қолди.

Механика, шчит ва бошқа цехларда мавжуд ускуналарнинг ишлабчиқариш қувватининг 50 процентидангина фойдаланилмоқда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати паст. Июнь ойида шчит цехи ойлик ишлабчиқариш планнинг 74 процентини, комплект-тақсимловчи асбоблар цехи эса 21 процентнигина бажарди. Бундай аҳвол ҳар

Дала ишларини намунали уюштириб, ҳосилга-ҳосил қўшишни қизғин давом этдирайлик!

Оққўрғон районидаги Калинин номли колхознинг ўртоқ Т. Бойиддинова бошлиқ бригадасида ғўза парвариши қизғин давом этдирилмоқда. Бригада а'золари гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. **Суратда:** ўртоқ **Т. Бойиддинова.**

М. Шевелов фотоси.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ Н. Эрматов бошлиқ бригадасида ғўзалар серҳосил бўлиб етилмоқда. Ҳозир ҳар туп ғўзада 12—14 тадан тўлиқ кўсак бор. **Суратда:** бригада бошлиғи ўртоқ **Н. Эрматов.**

Қ. Розиқов фотоси.

Ўртоқ Т. Усмонов бошлиқ бригада Янгийўл районидаги Свердлов номли колхознинг илғор бригадаларидан ҳисобланади. **Суратда:** ўртоқ **Т. Усмонов.**

Қ. Розиқов фотоси.

Бўка районидаги «Ленинизм» колхозининг ўртоқ Д. Иброҳимов бошлиқ бригадаси ғўза парваришини қизғин давом этдираётир. Бригада а'золари гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. **Суратда:** ўртоқ **Д. Иброҳимов.**

Р. Исаев фотоси.

Илғорлар тажрибасидан тўла фойдаланамиз

ЯНГИЙЎЛ, (ЎзТАГ). Экскурсиячиларнинг биринчи группаси Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасидан ўз колхозларига қайтиб келди. Москвага бориб келган ўртоқлар мамлакат қишлоқ хўжалиги ютуқларининг умумхалқ кўриги бўлган виставкадан олган ўз таассуротларини йиғилишларда, ҳамқишлоқлари билан суҳбатларда айтиб бердилар.

— Социалистик Ватанимиз пойтахти — Москва ажойиб ва гўзал, — деди Сталин номли колхоз активининг йиғилишида шу колхознинг раиси Абдулла Ортиқов. — Биз унинг кенг кўчаларини, янги биноларини, метронинг еростидаги ажойиб саройларини, музей ва театрларини завқ билан тамоша қилдик. Виставка эса ҳарбиримизда унитилмас таассурот қолдирди. Халқимиз бепоён давлатимизнинг ҳамма жойларидан виставкага ўз совғаларини юборган.

Социалистик дала меҳнаткашларининг тўплаган бутун тажрибасини қисқа муддат ичида ўзлаштириб олиш қийин эди. Биз асосий э'тиборни пахтачиликка қаратдик, чунки пахта етиштириш — колхозимиз жамоат бойлигининг асосидир. Биз механизациялаш ва электрлаш, Ўзбекистон, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон ва бошқа бирқанча республикалар павильонларида пахтадан юқори ҳосил етиштиручи усталарнинг иши билан танишдик. Партия ва Ҳукумат биз пахтакорларнинг самарали ишлаши учун тўла шароит яратиб берганликларини билиш қувончли бир қолдир.

Меҳнат унумини бирярим баравар оширишга ёрдам берадиган олти қаторли сеялкалар бизни айниқса қизиқтирди.

Ўртоқ Ортиқовнинг докладидан кейин йиғилиш бутун пахта майдонининг 45 процентидаги, я'ни ўтган йилдагига қараганда 9 марта кўпроқ майдондаги пахтани машина билан териб олишга қарор қилди. Колхоз а'золари правлениега янгги йил кўкламда чигитни олти қаторлаб экишни қўлланиш, 550 гектар ердаги ғўзани қаторларнинг узунасига ва кўндалангига ишлашни амалга оширишни топширдилар. Бу эса шу йил қаторларнинг узунасига ва кўндалангига ишлаш учун ажратилган пахта майдонидан 10 баравар кўпроқдир.

Мўл ҳосил йўлида

Зебихон бугун одатдагидан ҳам вақтли турди. Чунки, у кеча қишлоқ совети сессиясида айтилган гапларни эшитдириш учун ўз а'золари билан тезроқ кўришмоққа шошиларди. Улар билан шу кунларда кечиктирилмай амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳақида маслаҳатлашиб бир қарорга келмоқчи эди.

У биринчи бўлиб звено сувчиси Юнусалиота Усмонов билан кўришди.

— Салом, отахон! — деди Зеби эгат бошида сувларнинг таралишига назар ташлаб турган Юнусалиотага.

— Бор бўл, қизим. Кеча сессияда нима гаплар бўлди? Бизни танқид қилишмадими? — сўради мехрибонларча боқиш билан чол.

Шунинг звеномизни-ку унча танқид қилишмади, лекин умуман колхозимизда ғўза парваришида камчиликлар борлиги та'кидланди. Бу бизга ҳам тегишли, — деди Зебихон.

Кўп вақт ўтмасданоқ звено ерларига унинг жонкуяр а'золари йиғилдилар. Зебихон Ашрапова ўз а'золари билан кечаги сессияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан маслаҳат қилиб олди-да, кейин ҳаммалари ишга тушиб кетдилар. Августда ғўзанинг об-тобига қараб яна бир марта суғориш билан бир марта тўла комплекс парвариш қилиш— биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилди.

Ана, звенонинг а'золаридан Жамол Носиров, Баҳри Носирова, Абдулла Ибодов, Ҳикмат Исматовлар зўр умидлар билан ғўза парваришини давом этдирмоқдалар. Звено еридаги ғўзалар етарли культивация қилинди, 2 — 3 бор озиқлантирилди, қондириб суғорилмоқда.

Звенонинг 19 а'зоси бор. КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг звено принципини мустаҳкамлаш тўғрисидаги кўрсатмаси бу ерда тўла амалга оширилган. Партия Марказий Комитети Пленуми қароридан руҳланган азамат пахтакорлар 35 центнер ўрнига 45 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Улар ҳозирги кунларда ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

* * *

Дала шийпони колхозчиларнинг чинакам дам олиш жойи бўлиб қолган. У соялқўйн толлар тагига жойлашган. Ҳозир бу ерга звенб а'золари тушки дам олишга йиғилдилар. Агитатор Ҳамид Толипов колхозчиларни бугун келган газеталар билан таништириш, мамлакатимизда бўлаётган улуғвор ишлар тўғрисида сўзлаб бериш билан фахрланади.

У, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси ҳақидаги мазмунли суҳбатдан сўнг, йиғим-теримга тайёргарликнинг боришига оид вазифаларга тўхталади.

—Бу йилги йиғим-теримнинг ўзига хос хусусияти бор, — деди агитатор. Бу йилги ҳосилнинг ҳам деганда 60 процентн машина билан териб олиниши керак. Партия, ҳукуматимизнинг кўрсатмасига мувофиқ яқин 1 — 2 йил ичида пахтачиликдаги барча ишлар механизациялаштирилиши, шу жумладан ҳамма пахта ҳосили машиналар билан териб олиниши лозим, — деди у сўзида давом этаркан. — Бу муҳим кўрсатманинг қандай амалга оширилаётганини ўз колхозимиз мисолида ҳам кўрсак бўлади. Бу йил далаларимизда анчагина машиналар ишлайди.

Азамат пахтакорлар агитаторнинг сўзларидан гоят хурсанд бўлдилар. Улар ҳозирги кунларнинг ҳарбир соатини, ҳатто минутини қизғин меҳнат билан гоят самарали ўтказар эканлар, юракларида юксак маҳбуриятни шараф билан бажариш ҳисси жўш урарди.

Ю. ҲАМДАМОВ,

Калинин районидаги Молотов номли колхоз.

Зараркунандаларга қарши кураш суст олиб борилмоқда

Сирдарё районидаги Каганович номли колхознинг кўпчилик пахта далаларида қишлоқ хўжалик зараркунандалари тарқалган.

Колхознинг Бердибоев, Раҳматов ўртоқлар бошлиқ бригадалари ва бирқанча звеноларидаги ғўзада кўсак қурти учрамоқда. Пардаев, Алиевлар бошлиқ бригадаларда ўргумчаккана тарқалган ва айрим участкаларда ғўзаларни шира босган.

Умуман колхозда 50 процент майдонда ғўзаларга ҳархил хашоратлар зарар етказаётганига қарамай, уларга қарши кескин кураш олиб борилмаётир. Одатда зараркунандалар тарқалган далалар тез-тез текшириб турилиши ва 5—10 кун оралатиб бир-икки марта дориланиши керак. Аммо Каганович номли колхозда зараркунанда тушган далалар ҳали ҳам бир сидра дориланиб чиқилгани йўқ.

МТСдан юборилган биттА ОДН машинасидан унумсиз фойдаланилмоқда. Иш кеч бошланади, машина кўпинча далада тўхтаб қолади. Натижада ҳар куни атиги 2—3 гектар ердаги ғўзалар дорилаётир.

Колхозда бу йил 200 гектар ерга чигит 60 сантиметр кенглиқда экилган. ОДН машинаси тор қатор орали далага мосланмагани учун бу далаларда зараркунандаларга қарши дорилаш ишлари бутунлай олиб борилмаётир.

Колхоз правлениеси МТС ёрдамига ишониб майда аппаратлар сотиб олмади. МТС эса фақат битта ОДН машинаси юбориш билан кифояланиб қолақолди. МТСнинг шу колхоздаги агрономи ўртоқ Носиров ҳам бу масалага етарли э'тибор қилмаётир.

Каганович номли колхозда зараркунандаларнинг кўплаб тарқалиши уларни самолётдан дорн сепиб қиришни талаб қилади. Аммо аэродром йўқ, деган баҳона блан самолётдан фойдаланилмаётир.

Пахтаси машина блан териладиган участкаларда ғўза барглари тўкилиши керак. Бунда ҳам ОДН ёки самолётдан фойдаланишга тўғри келади. Агар ОДН 60 сантиметрли қатор ораларга мослаштирилмаса ёки аэродром қурилмаса, ғўза барглариии ҳам ўз вақтида тўкиш иши бажарилмай қолиши мумкин.

Колхоз раҳбарлари ғўза зараркунандаларини қириш учун тезда амалий чора кўрмасалар, ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлиб кетиши мумкин.

Ж. ҲАКИМОВ.

Чорва молларининг қишловига намунали тайёргарлик кўрайлик

Яқинда Октябрь, Қуйичирчиқ, Чиноз ва Янгийўл район чорвадорларининг районлараро кенгаши бўлиб ўтди. Бунга район партия комитетларининг секретарьлари, район ижроия комитетларининг раислари, МТС директорлари, колхоз раислари, чорвачилик фермаларининг мудирлари, зооветеринария ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашни область партия комитетининг секретари ўртоқ **Гуломов** очди. У йиғилиш қатнашчиларининг э'тиборини шу нарсага жалб этдики, ҳозир чорва моллари учун ем-хашак тайёрлаш, чорвачилик биноларини ремонт қилиш, янгиларини қуришда энг мас'улиятли пайт келди. Шунинг учун ғанимат кунлардан тўғри фойдаланиб, чорва молларининг қишловини яхши ўтказиш учун унга намунали тайёргарлик кўриш керак.

Кенгашда Октябрь, Қуйичирчиқ, Янгийўл район ижроия комитетларининг раислари Тожиев, Мерганов ва Мусаев ўртоқлар чорвачиликни ривожлантириш планларининг қандай бажарилаётганлиги, чорва молларининг қишлови учун қандай тайёргарликлар олиб борилаётгани ҳақида сўзладилар.

Броқ бирор киши ҳам ем-хашак тайёрлаш планини тўла бажариш учун қандай чоралар кўрилажагини батафсил сўзлаб бермади. Ма'лум бўлишича, бу районлардаги партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ўтган йилги йўл қўйилган камчиликлардан ҳали ҳам тегишли хулоса чиқариб олмаганлар. Бу ерларда ем-хашак тайёрлашга етарли э'тибор бермаслик ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Тайёр пичан ва бедани ўриб ғарамлардан пайсалга солинмоқда. Ем-хашак тайёрлаш плани Қуйичирчиқ районида 37 процент, Чиноз районида 37,5 процент, Янгийўл районида 38 процент ва Октябрь районида 41 процент бажарилган, холос. Бирқатор колхозларнинг раҳбарлари эса кўзбўямачилик йўлига ўтиб олиб, планнинг энди учдан бири бажарилган ҳолда ем-хашак тайёрлаш плани бажарилди, деб нотўғри ма'лумот берганлар.

Кенгашда шу нарса та'кидландики, бу районлардаги машина-трактор станцияларининг раҳбарлари колхозларда ем-хашак тайёрлашнинг бориши устидан назорат қилмай қўйганлар. Беда ва пичан ўришда мавжуд машиналардан унумли фойдаланилмаётир. Бунинг натижасида ҳарбир ўрим пландаги 3—4 кун ўрнига 25—30 кунга чўзилиб кетмоқда. Кўпгина колхозлар тўртинчи ўрим ўёқда турсин, хатто учинчи ўримга ҳам киришмаганлар.

Колхозлардаги чорва молларининг кўпчилик қисми табиий пичанларга бой бўлган Келес массивида боқилади. Броқ МТС ва колхоз раҳбарлари бу ердаги катта имкониятлардан фойдаланмаётир— ҳақиқатда ҳам илгор тажрибалар мактабидир. Вазифа — бу тажрибаларни жамоат чорвачилигини ривожлантиришда, чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишда дадил қўлланишдан иборатдир. Мен виставкада ҳар йили 7 — 8 минг килограмм сут берадиган сигирларни кўрдим. Хўш, нега бизда ана шундай маҳсулдор сигирлар йўқ. Бунга сабаб шуки, биз жамоат чорвачилиги блан етарли шуғулланмаётирмиз, илгорлар тажрибасини ниҳоятда секинлик блан амалга оширмоқдамиз.

Ўртоқ Ортиқов чорвачиликдаги қолоқликнинг сабабларини очиб ташлаш блан, жамоат чорвачилигини ривожлантиришда, ем-хашак тайёрлашда колхозларга ёрдам бермаётган МТС раҳбарларини тўғри танқид қилди.

Кенгашда, Октябрь районидаги Калинин номли колхоз раиси Маҳмудов, Чиноз районидаги «Қизил октябрь» колхозининг раиси **Рустамов,** область ижроия комитети раисининг ўринбосари **Дорофеев** ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Кенгаш қатнашчилари жамоат чорвачилигини ривожлантириш, чорва молларининг қишловига намунали тайёргарлик кўришга қаратилган қарор қабул қилдилар.

М. ДУБИНСКИЙ.

«Меҳмонлар»га пешвоз чиқди раис дарҳол,
— Хўш нима гап, безовтасиз? — сўрди аҳвол.
«Қиш келмоқда ғарамлардан йўқдир дарак, —
Деди сигир: «ем-хашакни ғамлаш керак».

— Ташвишланманг, хашак бўлса, бир гап бўлар,
Топшириқ бор, график бор, мана қарор.

* * *

Раис ака қоғозбозлик кам қилинсин,
Тезлик блан ему-хашак жам қилинсин!

Тошкент райони колхозларидаги жиддий нуқсонлар

Тошкент райони—ғирик сабзавотчилик районидир. Шу блан бирга чорвачилик, боғдорчилик, ғаллачилик хўжалигига ҳам эга. Район колхозларига картошка, сабзавотчиликни кескин равишда ривожлантириб, шаҳар меҳнаткашлари ва саноат марказларига кўплаб маҳсулотлар етказиб беришдек мас'улиятли ва шарафли вазифа топширилган. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қароридан кейин районга катта ёрдамлар берилди, ҳар иккала МТС кучли ва мураккаб машиналар блан қўшимча та'миланди. Колхозларга олий ма'лумотли агроном кадрлар юборилди. Колхоз раҳбарлари состави ҳам бирмунча мустаҳкамланди. Колхозларга давлат томонидан кўплаб минерал ўғитлар, уруғлик берилди.

Партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш тўғрисида ишлаб чиққан тадбирларини амалга ошириш туфайли кўклам экиши уюшқоқлик блан ўтказилди. Охунбобоев қишлоқ советидаги Сталин номли, Эркин қишлоқ советидаги Сталин номли, Чоштепа қишлоқ советидаги Ленин номли ва бошқа бирқанча колхозларнинг правлениелари ўз ишларини яхши йўлга қўйдилар, эртаги картошка, сабзавот экинлари қисқа агротехника қоидалари , асосида парвариш қилиниб, катта майдонларда мўл ҳосил етиштирилди.

Ҳозир район партия, совет ташкилотлари, ер органлари ва колхозларнинг правлениелари олдида энг мас'улиятли, я'ни етиштирилган картошка, сабзавот ҳосилини нобуд қилмай ўз вақтида йиғиб-териб олиб, давлатга топшириш ва шаҳар меҳнаткашларига етказиб бериш вазифаси турипти. Хўш, ана шу вазифа қандай бажарилаётир?

— Ҳосилни йиғиштириб олиш қишлоқ хўжалиги ишларининг энг муҳим, тугалловчи босқичидир, — дейилади КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорида. Афсуски, район колхозларида эртаги картошка, сабзавотларни йиғиштириш ишлари қониқарсиз ташкил қилинган. Кўп колхозларнинг раҳбарлари бу муҳим ишга бепарволик блан қараб, ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймоқдалар.

Бу йил 1100 гектар ернинг 500 гектарига уялаб-квадрат шаклида картошка экилди. Район колхозларида биринчи навбатда машинада экилган ерларнинг ҳосилини машиналар блан йиғиштириб олиш зарур эди. Райондаги ҳар иккала МТС маҳнуд механизмлар —картошка қазийдиган машиналар, комбайнларни тўла ишга солиб, уларнинг унумли ишлашини та'миладилар. Ҳосили машина блан қазиладиган участкалар олдиндан аниқланмади ва тайёрланмади.

Масалан, давлат планига кўра 2-нчи МТС 600 гектар ердаги картошкани машина блан, 100 гектарини эса комбайн блан қазиб бериши керак. МТСдаги 6 та машинадан мутлақо фойдаланилмаётир. Қатортол қишлоқ советидаги Сталин номли колхозга юборилган картошка қазийдиган машина қастдан ишлатилмади. «Комсомол», «Қизил шарқ», Куйбишев номли колхозларда ҳам катта майдонларда бирнеча юз гектарлаб эртаги картошка қазилмай ётипти. Бундай аҳволни 1-нчи МТС зонасидаги деярлик ҳамма колхозларда ҳам юз берганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя қилади.

Колхозларда сабзавот ғарқ пишди. Помидор исланганча бор. Қовун ҳам етилди. Колхоз правлениелари ҳосилни йиғиштириб олишни зўр уюшқоқлик блан ўтказишлари ва унинг нобуд бўлишига ҳамда талон-торож қилинишига мутлақо йўл қўймасликлари зарур. Колхоз раислари, ҳосилот советларининг раислари, бригада бошлиқлари, агрономлар ҳосилни аниқлашдек мас'улиятли ишга бепарво қараётирлар.

Қатортол қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда ҳосилни аниқлашда 4-нчи бригаданинг кам ҳосилли еридаги картошка қазилиб, гектаридан қанча картошка чиққанига қараб, бошқа ерлардаги ҳосил миқдори ўртача белгиланган. Бундай ноўрин ҳаракатлар натижасида колхоз белгилангандан анча кам картошка ҳосили топширмоқда. Охунбобоев қишлоқ советидаги «Октябрь» колхози (раиси ўртоқ М. Султонов) камқувват «III Интернационал» колхозидан қарийб икки баравар кам — гектаридан 4 тоннадан картошка олган. «Қизил шарқ», Пушкин номли, «Большевик» ва бошқа колхозларда ҳам ҳосилни камайтириш фактлари юз берган. Бу, ҳосилни йиғиштириб олиш устидан назорат қилинмаслиги, тўғриси ишнинг ўзибўларчиликка ташланганлигини аниқ кўрсатиб туради.

Ҳосилни йиғиштириб олиш нечиқаётгани ва уни нобуд қилиш каби хунук аҳволларнинг юз бераётганлиги давлатга ва шаҳар аҳолисига сабзавот маҳсулотлари етказиб беришни издан чиқараётир. Районда тайёрлаш ва давлат йўли блан сотиб олиш планлари баббаравар бажарилган тақдирдагина шу маҳсулотларни тайёрлаш, сотиб олиш планлари бажарилган деб ҳисобланади. Аммо районда давлат мажбурияти учун сабзавот етказиб бериш, сотиш ҳамда аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган талабини қондириш ҳам ёмон ташкил этилган. Район колхозлари ҳосил мўл бўлишига қарамай 10 августгача давлатга 30,5 процент ўрнига фақат 17,6 процент маҳсулот топширдилар.

Район партия комитети, район ижроия комитети давлатга сабзавот топшириш, колхозларнинг дўконлари орқали шаҳар аҳолисига сабзавот етказиб беришни тартибга солиш мақсадида 25 июльдан 15 августга мўлжалланган график тузиб чиққан эди. Бу график дарҳол колхозларга етказилмади. График 6 кундан кейин район ташкилотидан колхозларга жўнатилди. Куйбишев номли колхозга график 12 кундан кейин, Андреев номли колхозга 14 кундан кейин етиб борди. График расмият учун тузилганидан ана шундай аҳвол юз берди, сабзавот топшириш, сотиш ишлари яна ҳам бўшашиб кетди. Шуни ҳам айтиш керакки, колхоз раҳбарлари графикни олганларидан кейин ҳам унга амал қилмай қўйдилар. Куйбишев номли колхоз графикка мувофиқ совет колхоз бозорларидаги дўконлари орқали қар куни 4 тоннадан маҳсулот сотиши кўзда тутилган бўлса, 5 кун мобайнида колхоз 411 килограмм майда картошка сотган. Каганович номли, Молотов номли, «Комсомол» колхозлари августнинг биринчи 5 кунида давлатга маҳсулот топширмадилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари гектар бошига қараб етказиб берилиши лозим. Район план бўлими бу принципга амал қилмаётир. Андреев номли колхоз 5 гектар ерга помидор эккан. Ундан олинадиган ҳосил 88 центнер кўрсатилган. Ёки, «Правда» колхозини олайлик. Бу колхоз 3 гектар ерга помедор эккани ҳолда давлат мажбурияти учун 100 тонна ҳосил топшириши керак. Олинадиган ҳосил мажбуриятнинг ярмини ҳам қопламайди. Камқувват колхозларни ишлаш даражасига кўтаришни кўзда тутиб амалга оширилган бу «тадбир» натижасида камқувват колхозлар давлат мажбурияти учун етишмаган ҳосилни қайси маблағ ҳисобига сотиб олиб берадилар? Камқувват колхозлар бундай «ёрдам» блан қандай қилиб илғор колхозлар қаторига чиқадилар?!

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиб олиш ишларига раҳбарликни яхшилашни, давлат ва тайёрлаш интизомини мустаҳкамлашни, ҳамда партия, совет ва тайёрлаш органларининг раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириш вазифасини қўйди. Район тайёрлаш идораси сабзавотлар тайёрлаш мавсумига пухта тайёргарлик кўрмаганидан жиддий камчиликлар содир бўлмоқда. Маҳсулотларни солиш учун зарур миқдорда идишлар, ташиш учун эса транспорт блан та'миналш чораси кўрилмаган. Шунинг натижасида маҳсулотларни кўплаб тайёрлайдиган ҳозирги ҳал қилучи даврда турли баҳоналарни важ қилиб тайёрлаш сур'атининг пасайишига йўл қўйилмоқда.

Ҳозир ҳамма колхозда ҳам истаганча помидор пишиб етилмоқда. Помидор ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш ва савдо ташкилотлари орқали аҳолига ўз вақтида етказиб бериш мумкин. Лекин, район тайёрлаш идорасининг раҳбарлари (бошлиғи ўртоқ Клевлеев) ўз бурчларини ёмон бажараётирлар. Пунктларда яшиклар етишмайди, сақлаш учун жой ҳам етарли эмас. Пункт ходимлари ўз айбларини яшириш учун «стандарт эмас, қўйдиган жойимиз йўқ» деб колхозлардан келтирилган яшиклардаги помидорни қабул қилмай қайтармоқдалар. Бу блан колхоз транспортининг овора бўлишига, маҳсулот сифатининг бузилиб, нобуд бўлишига йўл қўймоқдалар. Оқтепа тайёрлаш пунктида ана шундай аҳвол тез-тез такрорланиб туради. Бу пункт «Октябрь» колхозидан келтирилган 900 килограмм помидорни «жой йўқ» деб қабул қилмади. Қатортол пункти (мудири Абдурахмонов) 7 тонна, Чиғатой пунктида 10 тонна помидорнинг 30 процентн чириб нобуд бўлган. Консерва заводи ва савдо ташкилотлари пунктлардаги маҳсулотларни ўз вақтида олмай, аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган талабини қондирмаётирлар.

Консерва заводи Охунбобоев қишлоқ советидаги Сталин номли колхоздан 705 тонна помидор олиши зарур. Завод ма'мурияти «транспортимиз йўқ, колхоз келтириб беради» деб мас'улиятни ишга бефарқ қарамоқдалар. Колхозларга биркитилган савдо ташкилотлари ҳам сабзавот маҳсулотларини олмай, қиш учун маҳсулот тайёрлашни жиддий хавф остида қолдирмоқдалар. Савдо ташкилотлари ва тайёрлаш идораларининг бу қадар қониқарсиз ишлаётганларидан текшириш ташкилотларнинг раҳбарлари ташвишланмаётирлар.

Колхозлардаги сабзавот маҳсулотларини аҳолига ўз вақтида кўплаб ва сифатли равишда етказиб беришда колхоз дўконлари ва уларда ишловчи кишилар катта роль ўйнайдилар. Шундай бўлишига қарамай колхоз правлениелари бу муҳим ишга э'тибор бермаётирлар.

Райондаги 21 колхознинг шаҳарда 149 та сабзавот дўкони бор. Дўконлардаги савдо-сотиқ ишлари айрим тасодифий кишиларга ишониб топшириб қўйилган. Уларнинг кўпчилиги колхозларга «фахрий а'зо» қилиб қабул қилинганлар. «Большевик» колхозининг раиси ўртоқ Юсупова сельпода ишлаб 38 минг сўм растрат қилган Риздавлетов деган талончини сабзавот дўконига мудир қилиб тайинлаган. Бу колхознинг 9 дўконида ишловчилардан 8 таси текширишда колхоз а'зоси эмасликлари аниқланди. «Иттифоқ», «Комсомол», «III Интернационал». Пушкин номли, Андреев номли колхозларнинг дўконларида ишлаган Баҳромов, Ҳошимов, Кобилов, Исматуллаев каби шахслар ўз манфаатлари учун жон куйдириб, маҳсулотларнинг яхшисини ортиқ баҳо блан сотиб харидорларни алдамоқдалар.

Шуни ҳам айтиш керакки, колхозларнинг дўконлари жамоат тўпланадиган кўринарли жойларда эмас, кўпчилиги чекна жойларда очилган. Райондаги 21 колхознинг Октябрь районидаги совет колхоз бозорида фақат 4 та дўкони бор. Молотов номли, Каганович номли колхозларнинг дўконларида ҳамавақт маҳсулот бўлмайди. «Правда» колхозининг Тахтапулда қаторасига 3 та дўкони бўлгани ҳолда, колхоз мол бозорида битта дўкон бор, холос. Бу атрофда яшовчи аҳоли узоққа боришга, ёки шу ердаги хусусий кишилардан қиммат баҳо блан сабзавот сотиб олишга мажбур бўлмоқдалар.

Колхозларда эртаги сабзавотлар қазилиб, ўртагиси пишиб етилмоқда. Кечки экиндарни парвариш қилиб, улардан мўл ҳосил етиштиришда МТСлар зиммасига гоят мас'улиятли вазифа юклатилган. Шунга қарамасдан 1 ва 2-нчи МТС кучли техникадан қониқарсиз фойдаланмоқда. Культивация, чопиқ ва озиқлантириш графики системали равишда бажарилмаётир. МТСлар карам, картошка ва бошқа экинларни механизация асосида парвариш қилишни жуда сусайтириб юборганлар. 1-нчи МТС культивация планини 65 процент бажарган. 2-нчи МТСдаги 34 «универсал»дан культивацияда қатнашаётган 22 таси ўрта ҳисоб блан 4 гектардан культивация қилиб, нормасини бажармаётир. Бу камчиликлар МТС директорлари Е. Сарухонова, Тоиров ўртоқларни мутлақо ташвишга солмаётир.

Район колхозларида сиёсий-оммавий ишлар ҳозирги талаблар даражасига кўтарилмаган. Район партия комитетининг МТС зоналари бўйича секретарьлари И. Сребний, И. Акбархўжаева ўртоқлар колхозларда юз бераётган камчиликларни бартараф қилиш, колхозчилар ўртасида сиёсий-оммавий ишларни яхшилаш, МТСлар ишидаги нуқсонларни тугатишга ҳали ҳам аҳамият бермаётирлар. Колхозларда агитаторларнинг рўйхатлари бўлса ҳам, аммо уларни далада онда-сонда кўриш мумкин. Сребний ва Акбархўжаева ўртоқлар районда қишлоқ хўжалигини яна ривожлантириш тадбирларини амалга оширишга бошчилик қилмаётирлар. Улар колхозларга худди вакиллар сингари келиб-кетишдан нарига ўтмаётирлар. Сребний ҳам, Акбархўжаева ҳам ҳамон МТСдан узоқда — шаҳарда яшамоқдалар. Бу, колхозлардаги камчиликларни чуқур ўрганиш ва уни бартараф қилишга имкон бермаётир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети июль ойининг охирида район колхозларида сабзавот тайёрлаш ва кечки сабзавот экинларини парвариш қилишнинг аҳволи тўғрисида район партия комитетининг ишини муҳокама қилиб, махсус қарор қабул қилди ва зарур тадбирлар белгилади. Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари қарорда кўрсатилган тадбирларни тезлик блан амалга оширишга оператив раҳбарликни кучайтиришлари керак эди. Афсуски, қарорда кўрсатилган тадбирлар жуда секинлик блан амалга оширилаётир. Шунинг учун ҳам район сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш, уни шаҳар аҳолисига етказиб беришда судралиб қолмоқда.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Москвада Халқаро студентлар союзи кенгашининг сессияси очилади

20 августда, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг янги биносида Халқаро студентлар союзи (ХСС) кенгашининг сессияси очилади.

ХСС бош секретари Иржи Пеликан ТАСС мухбири блан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— ХСС ижроия комитетининг шу йил январь ойида Венада бўлиб ўтган сессиясида Халқаро студентлар союзи кенгашининг навбатдаги сессиясини Совет Иттифоқи пойтахти — Москвада чақиришга қарор қилинган эди. Бу қарорни ер юзидаги кўп мамлакатларнинг студентлари қизғин қувватладилар, улар совет студентларининг меҳмондўстлигига юксак баҳо берадилар.

Дастлабки ма'лумотларга кўра, ХСС кенгашининг Москва сессияси ишида 70 дан кўпроқ мамлакатнинг студентлар ташкилотларидан вакил қилинган 250 делегат ва кузатучи қатнашади.

Студентларнинг халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш тўғрисидаги масала биринчи бўлиб муҳокамага қўйилади. ХСС га кирмаган студентлар ташкилотлари, шунингдек университет студентларига ёрдам кўрсатучи халқаро ташкилот (ВУС), яҳудий студентлари халқаро союзи ва шу каби бошқа бирқанча халқаро студентлар бирлашмалари вакилларининг ҳам мунозарада иштирок этишлари жуда муҳимдир.

ХСС кенгашининг сессияси ХСС амалий фаолиятининг 1954 — 1955 йиллар программасини муҳокама қилади.

Студентлар спортининг халқаро бирлиги тўғрисидаги масала юзасидан мунозара бўлиши кутилади.

Студентларнинг иқтисодий проблемалари ва маорифни демократлаштириш масалалари ХСС кенгаши Москва сессиясининг ишида айрим ўрин тутади.

Биз ба'зи масалалардаги ихтилофларга, ҳархил фикр ва традицияларга қарамасдан, студентларнинг бирлигини мустаҳкамлаш учун, уларнинг алоқаларини кенгайтириш учун биргаликда асос топамиз, деб умид қиламиз.

Сессия қатнашчилари, деди сўзининг охирида Иржи Пеликан, Совет Иттифоқига, Москвага боришга жуда қизиқдилар. Бизнинг билишимизча, уларга Москвадаги ҳушманзарали жойлар блан, бутун дунёга донги кетган Ленинские Горидаги университет блан, СССР пойтахтидаги ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртлари блан танишиш учун кенг имкониятлар берилади. Кўпгина мамлакатларнинг студентлари совет студентлари блан дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида учрашадилар.

Фурсатдан фойдаланиб, четэллардан келган шерикларига самимий меҳмондўстлик кўрсатганликлари учун совет студентларига ХСС Секретариати номидан ташаккур изҳор қилиб, уларга ўқишда ва тинч меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар тилаб қоламан. (ТАСС).

Америка ҳарбий самолёти Ҳиндистон ҳаво чегарасини бузди

ДЕҲЛИ, 19 август. (ТАСС). «Ҳиндустан таймс» газетасининг хабар беришича, 17 августда Ҳиндистон территорияси устида Шарқий Покистон томонга қараб учиб бораётган «Глобмастер» типидаги америка ҳарбий самолётининг йўли тўсилган. Самолёт йўлини ўзгартириб, Деҳли аэродромига қўнишга мажбур бўлган.

Газетанинг ёзишича, тинтув вақтида самолётда қурол-аслаҳа ёки ўқ-дори топилмаган, лекин бу можаро Деҳлида ташвиш туғдирган. Самолёт экипажининг ёнида паспорт ва самолёт учун зарур бўлган ҳужжатлар бўлмаган. Карачидан жўнаб, Ҳиндистон устидан учиб ўтадиган ҳарбир ҳарбий самолёт Ҳиндистон олий комиссарининг Покистондаги вакили томонидан текширилиши ва унга тегишли ижозат берилиши лозим. Америка учучилари бу қоидани бузганлар.

ЭРНСТ ТЕЛЬМАН ХОТИРАСИ

БЕРЛИН, 19 август. (ТАСС). Немис ишчилар синфи йўлбошчиси Эрнст Тельманнинг фашистлар томонидан ёвузларча ўлдирилганига ўн йил тўлиши муносабати блан кеча Берлиндаги «Фридрихштадт — паласт» театрида Германия Бирлашган социалистлар партияси Марказий Комитети ва ГБСП Берлин ташкилотининг тантанали — мотам мажлиси бўлди. Мажлисда ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золари, ГДР бош министри Отто Гротеволь, Катта Берлин бургомистри Ф. Эберт, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Карл Ширдован, озод немис касаба союзлари бирлашмасининг раиси Г. Варнке, Э. Тельманнинг хотини Роза Тельман ва бошқалар, шунингдек дипломатик корпус вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлисда ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'зоси Герман Матерн нутқ сўзлади.

ИНДОНЕЗИЯНИНГ ТАЛАБИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 август. (ТАСС). БМТ даги Индонезия вакили 18 августда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретарига мактуб топширди. Мактубда Ғарбий Ириан (Янги Гвинеянинг ғарбий қисми) тўғрисидаги масалани БМТ Бош Ассамблеяси тўққизинчи сессиясининг дастлабки кун тартибига киргизиш илтимос қилинади.

Ма'лумки, Голландия — Индонезия союзини тугатиш тўғрисида август ойининг бошларида Гаагада Индонезия блан Голландия ўртасида бўлиб ўтган музокаралар вақтида Голландия Ғарбий Ириан тўғрисидаги масалани муҳокама қилишдан қат'ий равишда бош тортган эди.

Индонезия халқи Ғарбий Ирианда Голландиянинг мустамлакачилик ҳукмронлигига барҳам берилишини ҳамда бу территориянинг Индонезияга қўшилишини қат'ий равишда талаб қилмоқда. Ғарбий Ирианда Индонезиянинг мустақиллигига ва хавфсизлигига таҳдид қиладиган америка ҳарбий базалари қуриш планлари муносабати блан бу талаб айниқса кучайди.

БРЮССЕЛЬДА ҒАРБИЙ ЕВРОПАДАГИ ОЛТИ МАМЛАКАТ МИНИСТРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ОЧИЛДИ

БРЮССЕЛЬ, 19 август. (ТАСС). Бугун Бельгия ташқи ишлар министрлигида «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартномани имзолаган ғарбий европадаги олтита мамлакат министрларининг кенгаши очилди. Бу кенгашда Бельгия ташқи ишлар министри Спаак, Франция министрлар советининг раиси ва ташқи ишлар министри Мендес — Франс, Бонн канцлери Аденауэр, Италия ташқи ишлар министри Пиччони, Голландия ташқи ишлар министри Бейен, Люксембург бош министри ва ташқи ишлар министри Беш иштирок этмоқдалар.

Кенгашнинг мақсади — «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартноманинг Франция парламенти томонидан ратификация қилинишини енгиллаштириш учун мазкур шартномага ба'зи «тузатишлар» киритиш ҳақида Франциянинг таклифларини муҳокама қилишдан иборатдир. «Либерасьон» газетасининг та'кидлашича, Франция делегацияси асосан бу шартнома тарафдорларидан иборат.

Бугунги биринчи мажлис ёпиқ мажлис бўлади.

Бу ерда гарчан АҚШ ҳам Англия ҳам «Европа мудофаа бирлашмаси»ни тузиш тўғрисидаги шартномага қўл қўймаган ва кенгашда қатнашмаётган бўлсалар ҳам, Англия ва Америка вакилларининг бу кенгашга жуда қизиқаётганликлари та'кидланмоқда. Шу муносабат блан америка сенатори Уайлининг Парижга келганлиги ҳамда Париждаги инглиз элчиси Джеббнинг кеча вокзалда Мебдес-Франс Брюссель кенгашига жўнаб кетаётган пайтда у блан учрашганлиги кўрсатиб ўтилади. Матбуотнинг хабар беришича, Англия ҳукумати кенгашда муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан ўз нуқтаий назарини Брюссель кенгаши қатнашчиларига ма'лум қилган. «Кўмир ва пўлат Европа бирлашмаси» сингари «европали» ташкилотларда АҚШ нинг вакили сифатида қатнашучи Давид Брюс аввал Аденауэр блан ва сўнгра Спаак блан музокаралар олиб борган. Брюссельда очилган кенгашда «кузатучи» сифатида қатнашади.

МИСР БЛАН ИРОҚ ЎРТАСИДАГИ МУЗОКАРАЛАР ТУГАДИ

ҚОҲИРА, 19 август. (ТАСС). Саксанкда (Ироқ) Миср миллий раҳбарлик министри Салоҳ Салим блан Ироқ бош министри Нури Саид ўртасидаги музокаралар тугади. «Ал—Ахбор» газетасининг хабар беришича, музокаралар давида ҳарбий масалаларни муҳокама қилишга асосий э'тибор берилган. Шу газетанинг Лондондаги мухбири хабар беришича, Салим «Миср блан Ироқ ўртасида ҳарбий ва сиёсий ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида» Нури Саидга таклиф топширган.

Салим Ироқдан кейин Ливияга, Сурияга ва Иорданияга боражагини мухбирларга айтган.

БАЙРУТ, 19 август. (ТАСС). «Ал — ҳаёт» газетаси Ироқ—Миср музокаралари тугаганлигини шарҳлаб, музокаралар вақтида Туркия — Покистон ҳарбий блоки тўғрисидаги масала юзасидан нуқтаий назарларнинг яқинлашувига эришилди, деб ёзади. «Миср томони, — деб кўрсатади газета, — Ғарбдаги мудофаа линиясини Покистондан тортиб, Ўрта Шарқдаги барча мамлакатларни ўз ичига оладиган қилиб кенгайтириш принципини қўллаб — қувватлади».

АҚШ ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИ ТАҚИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ВАШИНГТОН, 20 август. (ТАСС). Вакиллар палатаси коммунистик партияни тақиқлаш тўғрисидаги қонун проектини сенат томонидан қандай ҳолда тасдиқланган бўлса, шу ҳолида 265 овоз блан ма'қуллади. Палата а'золаридан иккитаси бу қонун проектига қарши овоз берди. Қонун проекти Оқ уйга юборилди. Проект президент томонидан имзоланганидан кейин қонун бўлиб қолади.

ДЕ ГАСПЕРИНИНГ УЛИМИ

РИМ, 19 август. (ТАСС). АНСА агентлигининг билдиришича, Италиянинг собиқ бош министри, «Христиан-демократик партия»нинг лидери Альчиде де Гаспери бугун юрак фалажидан ўлган.

АҚШ ДА ЯНГИ РЕАКЦИОН ҚОНУН ПРОЕКТИ

ВАШИНГТОН, 19 август. (ТАСС). АҚШ сенати ҳукуматнинг қонун проектини қабул қилди ва вакиллар палатасига юборди. Бу қонунга мувофиқ, Смит қонуни асосида ҳукм қилинган кишилар Америка граждан лигидан маҳрум қилинадилар.

АҚШ ЯПОНИЯНИ ҚУРОЛЛАНТИРМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 19 август. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги Токио мухбирининг хабар беришича, Қўшма Штатлар «Бир-бирини мудофаа қилишни та'минлашда ёрдам бериш тўғрисидаги битим»га мувофиқ Япония ҳарбий-денгиз флотига бешта машқ самолёти топширган. Бу битим Қўшма Штатлар томонидан Японияга ҳархил типдаги 40 та самолёт топширилишини кўзда тутади.

ЛЕЙПЦИГДА СПОРТ БАЙРАМИ

БЕРЛИН, 19 август. (ТАСС). Кеча Лейпцигда биринчи немис спорт байрамининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлди. Спорт байрамида Германиянинг иккала қисмидаги спортчилар қатнашадилар. Байрамда иштирок этиш учун Совет Иттифоқи, Польша, Чехословакия, Венгрия, Франция, Голландия, Ҳиндистон ва Чили спорт делегациялари Лейпцигга келдилар.

Венгрия меҳнаткашларининг ёзги дам олиши

БУДАПЕШТ, 19 август. (ТАСС). Бу йил касаба союзлари томонидан арзон нархлар блан бериладиган путёвкалар блангина меҳнаткашлардан 200 минг киши ўз отпускасини курортларда ва дам олиш уйларида ўтказади. Меҳнаткашлар Балатон кўлидаги курортларни айниқса севадилар.

Бу курортларда юз мингга яқин киши ўз отпускасини ўтказади.

Бу йил дам олиш уйларини яхшилаш ва кенгайтириш учун давлат томонидан қарийб 40 миллион форинт маблағ ажратилди.

Ҳукумат болаларнинг дам олиши тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқда. Маориф министрлиги а'лочи ўқучилар учун дам олиш уйларига 2 минг путёвка берди. Ўн мингларча пионерлар ёзни лагерьларда ўтказадилар. Будапешт район советларигина 32 та пионер лагери ташкил қилдилар. Будапештда Дунай дар'ёсидаги Маргит оролида ёшлар учун спорт лагери ташкил қилинган.

Лейпцигда умумгерман спорт конференцияси очилди

БЕРЛИН, 20 август. (ТАСС). АДН агентлигининг хабар беришича, кеча Лейпцигда II-нчи умумгерман спорт конференцияси очилган. Конференциянинг ишида Германиянинг ҳариккала қисмидан 800 га яқин спортчи қатнашмоқда. Конференция қатнашчилари умумгерман спорт ҳаракатини янада кенгайтиришга қаратилган тадбирларни муҳокама қилдилар.

ҲИНДИСТОНДА СУВ ТОШҚИНИ

ДЕҲЛИ, 19 август. (ТАСС). «Ҳиндустан стандард» газетаси Ҳиндистон бош министри Нерунинг мурожаатини босиб чиқарди. Неру бу мурожаатда бутун халқни сув тошқинидан зарар кўрган Шимолий Ҳиндистон аҳолисига ёрдам беришга чақиради.

Суратда: 5000 метр масофага югуришда янги республика рекордини қўйган **Турсун Исмоилов** (чапда). Қорақалпоғистон АССР ва Наманган область командалари баскетбол ўйинамоқда (ўнгда).

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўзбекистон VIII спартакиадасида

Тошкент спорт базаларида, «Динамо» стадионида кучли енгил атлетикачилар, боскетболчилар, гимнастикачилар ва сузучиларнинг мусобақалари давом этди.

400 метрга бўлган финаль югуришда наманганли спортчи С. Сапсерина маррага 57,8 секундда етиб келиб, бу соҳадаги мусобақаларда республика рекорд таблицасига иккинчи марта ўзгартиш киритди. Унинг бу эришган ғалабаси биринчи разряд спорт нормасидан ҳам ошиқдир. Иккинчи бўлиб маррага Т. Сорокина (Тошкент) етиб келди.

400 метрга бўлган финаль югуришда эрқаклар ўртасидаги мусобақа айниқса қизиқарли ўтди. Республика рекордчиси Г. Сенькина (ЎзССР терма командаси) ажойиб ғалабага эришди. У 400 метрли масофани биринчи бўлиб босиб ўтди ва республика чемпиони деган фахрий унвонга эга бўлди.

Югуриб келиб узунликка сакрашда Ю. Шоломицкий биринчиликни олди. А. Михайлов (Тошкент области) ундан 8 сантиметр берироққа сакраб, Шоломицкийга ютқазди.

Югуриб келиб баландликка сакраш бўйича Л. Требухина (Сурхондар'ё области) ва А. Халманская (Тошкент) бирхилда натижага эга бўлдилар. Биринчи ўринни Л. Требухина эгаллади.

1500 метр масофага югуриш мусобақаси қизиқарли ўтди. Бу мусобақада республиканинг энг яхши спортчилари — А. Чехонин (ЎзССР терма командаси), Т. Исмоилов (ЎзССР терма командаси) ва тошкентли спортчи Х. Содиқовлар қатнашди. Яхши тайёрланган А. Чехонин ғалабага эришди.

80 метрга барьерли югуришда самарқандли Т. Бондаренко биринчиликни эгаллади. А. Минина (Тошкент) иккинчи ўринни ишғол этди.

ЎзССР терма командасининг вакили Ю. Пузанов 110 метрга барьерли югуришда яхши натижага эришаолмади. У илгариги мусобақаларда яхши натижаларга эришган бўлса ҳам югуриш вақтида йиқилиб сафдан чиқди. Маррага биринчи бўлиб М. Финкельштейн (Тошкент области) етиб келди.

Хотин-қизлар ўртасида ядро иргитиш бўйича биринчиликни тошкентли спортчи Г. Муравенкова эгаллади.

Хотин-қизлар командаси ўртасида 4Х100 метрга бўлган югуришда биринчи ўринни Самарқанд терма командаси ишғол этди.

Шундай масофага эркаклар ўртасида бўлган мусобақани тамошабинлар зўр қизиқиш блан кузатиб бордилар. Бу мусобақада ЎзССР терма командаси блан Тошкент командаси мусобақалашиб, эстафетада биринчи ўринни Ўзбекистон терма командаси эгаллади. Бу команда маррага 43,2 секундда етиб келиб, 1952 йилда «Локомотив» кўнгилли спорт жамияти терма коллективи томонидан қўйилган республика рекордини 0,5 секундга қисқартди.

Гимнастика бўйича мусобақалар тамом бўлди. Ўзбекистон обсолют чемпиони унвонини спорт мастери А. Макаров (ЎзССР терма командаси) эгаллади. К. Сорвин иккинчи ўринни, тошкентли спортчи Э. Сиркин учинчи ўринни эгалладилар.

А. Тарасова (ЎзССР терма командаси) спорт мастерлигига бўлган нормани биринчи бўлиб топширди ва республика чемпиони бўлди. Спорт мастери Вольшакова иккинчи ўринни эгаллади.

Гимнастика бўйича 3 кун давом этган спорт мусобақаларида биринчи ўринни Тошкент гимнастика командаси эгаллади. Иккинчи ўринни эса бухороли спортчилар ишғол этдилар.

Хотин-қизлар ўртасида 100 метрга бўлган финаль сузишда (чалқанчасига) тошкентли М. Готманова ғолиб чиқди. Эркаклар ўртасида А. Герасимов энг яхши натижага эга бўлди.

Чкалов музикали комедия театрининг гастрольлари

Чкалов шаҳридаги музикали комедия театри икки ойдан бери Тошкентда гастрольда бўлиб, пойтахт тамошабинларига ўнга яқин яхши спектакльни зўр муваффақият блан кўрсатди. Театр ижодий коллективи Тошкентда «Тамақи капитани» (Шчербачев музикаси, Адуев тексти) оператгасини саҳнага қўйди.

Спектакльнинг муваффақиятли чиқишида режиссёр А. К. Закс, дирижер В. И. Карпоносов, рассом М. М. Молодцкин ҳамда артистлардан Бреславский, Чарлин, Сташайтис ўртоқлар катта ижодий хисса қўшганлар.

Чирчиқ меҳнаткашларига маданий хизмат

Туркистон ҳарбий округи ҳузуридаги драма театрининг артистлари Чирчиқдаги Сталин номли электрохимия комбинатининг ёзлик клубида шаҳар меҳнаткашлари учун спектакльлар кўрсатдилар.

Шаҳар аҳолиси бош режиссер Н. В. Ладигин раҳбарлигидаги артистлар томонидан ижро этилган «Порт Артур» ва «Милочка» пьесаларини завқ блан тамоша қилди.

Артистлар шаҳарда бирнеча кун бўлдилар ва «Бир севги афсонаси», «Мария Богуславка» пьесаларини ҳам қўйиб бердилар.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

Ғўза баргларини сун'ий равишда тўкишни намунали ўтказайлик

Пахта териш машиналарининг юқори унум блан ишлашининг муҳим шартларидан бири ғўза баргларини цианамид кальций блан ўз вақтида дорилаб тўкишдир.

Ғўза барглари тўкилганда, барг ширалари пахта териш машинасининг шпендельларига ёпишмайди, машиналарнинг тез ишдан чиқиб узоқ вақт тўхтаб қолишининг олди олинади, очилган кўсакларидаги пахта яхши терилади, пахта унча ифлосланмайди.

Ғўза барги тўкилганда пахтанинг етилиши тезлашиб, кўсаклар эрта очилади, шу блан бирга цианамид кальций блан дориланган далаларда пахта ҳосили ошади ва сифати яхшиланади. Совуқ тушгунча одатдагидан 10—15 процент кўп пахта терилиб, ундан кейинга қолган кўрак пахталар миқдори икки баравар камаяди. Демак, пахта машина блан терилганда, ҳосил тез йиғилиб, ғўзапоялар барвақт юлиб олинади, ер вақтида шудгор қилинади. Бу эса келгуси йил пахта ҳосилининг янада ошишини, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларини камайтиришни та'минлайди.

Илғор МТС ва колхозлар пахтани машина блан теришга катта аҳамият бериб келмоқдалар. Масалан, Гулистон районидаги 3-нчи МТС ҳамда зонадаги колхозларнинг раҳбарлари ўтган йили пахтаси машина блан териладиган участкалардаги ғўзалар баргини тўкиш учун дорилаш ишларини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказган эдилар. Натижада дориланган ғўзаларнинг 85 процент барги тўкилди. Бу эса пахта териш машиналарининг иш унумини анча оширди.

Лекин бир қатор районларда, жумладан Оржоникидзе, Янгийўл, Ховос районларидаги кўпгина колхозларда ғўза баргларини сун'ий равишда тўкиш учун дорилаш ишлари ўз вақтида ҳамда сифатли қилиб ўтказилмади, шунинг учун анча майдонларда ғўза барги фақат 40 процентгача тўкилиб, терим машиналарининг иши қийинлашди, машина блан пахта териш плани бажарилмай қолди.

Пахтани машина блан теришда бултур катта ютуқларга эришган Гулистон районининг колхозлари бу йил ҳам ғўза баргларини ўз вақтида тўкишга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳозир барча ОДН машиналари ремонтдан чиқарилди, самолётлар қўнадиган майдонлар тайёрланмоқда, колхозлар керакли миқдорда цианамид кальций ва кремний-фтористий натрий дориларини ўз вақтида келтириб қўйдилар. Улар ғўза баргини 5 — 7 кун мобайнида тўкиб, пахтани машина блан теришни ўз вақтида бошлаб юбориш мажбуриятини олдилар.

Пахтани машина блан териш олдидан ғўза баргларини яхши ва сифатли қилиб тўкиш учун қуйидагиларга қат'ий амал қилиниши шарт.

Ғўза баргини тўкиш учун дорилаш муддати ҳарбир даланинг ўзидаги ўсимликларнинг ривожланиши ва кўсакларнинг етилишига қараб белгиланади. Одатда кўпчилик ғўза тупларида 1—2 кўсак очилиш блан дорилаш бошланади. Дорилаш бундан кечикса яхши натижа бермайди. Чўнки барглар пишиб, дағаллашиб қолганидан цианамид кальцийнинг та'сири камаяди, барглар чала тўкилиб пахта териш машинасининг ишлаши қийинлашади.

Самолёт ҳамда ОДН машиналари блан дориланадиган далалар барвақт ажратиб қўйилиши керак.

Самолётдан туриб дориланадиган далалар икки группага бўлинади. Биринчи группага ғўзаси бўйдор — баландлиги камида 80—100 сантиметрли, шохлари қатор ораларини бекитиб юборган далалар киради. Бу далалар икки марта дориланади. Иккинчи группага ғўзаси унча бўйдор бўлмаган ва унинг шохлари қатор ораларини бекитмаган далалар киради, бу далалар бир марта дориланади.

Самолётлар учун аэродромни тайёрлаш ва уни ускуналаб қўйиш, шу блан бирга ёнилғи ва мойлаш материалларини етказиб туриш лозим. Самолётдан туриб дорилаш пайтида далада сигнал бериб туручи колхозчилар блан ҳозирданоқ амалий машғулотлар ўтказиб туриш лозим.

ОДН чанглагич-пуркагич машинаси блан дориланадиган далаларда ётиб қолган ғўзалар бўлмаслиги шарт. Бунинг учун дорилашдан олдин қийшайиб, ётиб қолган айрим ғўза туплари тикланиб, ости қумлаб қўйилади.

ОДН блан иш бошлагунча далани машинанинг тўхтовсиз ишлашини тўла та'мин этадиган даражада тайёрлаш керак. Йўллар текислаиниши, кўприклар тузатилиши, машинага сув олинадиган жойларга ҳовузчалар қазилиши керак.

Ғўза баргини тўкишда цианамид кальций блан ёки цианамид кальций ва кремний-фтористий натрий аралашмаси блан чангланади, ёки бир вақтнинг ўзида сув пуркаб туриб дори чангланади ёки цианамид кальций эритмаси пуркалиб дориланади.

Цианамид кальций фақат ғўза баргларида шудринг бўлган маҳалдагина чангланади. Бунда цианамид кальций сифатли бўлиши ва албатта кремний-фтористий натрий блан аралаштирилган бўлиши шарт.

Кечки пайтларда шудринг тушадиган жойларда щамол бўлмаса, шудринг тушишидан бир-икки соат олдин дори чангласш ҳам мумкин. Баргда шудринг бўлмаган пайтларда ғўза бир вақтнинг ўзида сув пуркалиб туриб чанглаш йўли блан дориланади.

Самолёт блан дорилаш даврида аэродромга МТС томонидан махсус вакил тайин этилади. Бу вакил аэродромдаги барча ишларга жавобгар бўлади. Дорилаш вақтида далаларга сигналчилар қўйилади. Дорилашнинг сифати ва сигналчиларнинг ишига колхоздаги давлат агрономи жавобгар бўлади.

Ғўза баргларини ўз вақтида тўкиш натижасида барглар тез ва кўп тўкилади, пахта териш машиналарининг иш унуми ортади, кўпроқ пахта терилади ва нобудгарчиликнинг олди олинади. МТС ва колхозлар ғўза баргини ўз вақтида тўкиш учун дорилашга ҳартарафлама пухта тайёрланишлари керак.

С. БОНДАРЕНКО,
агроном-энтомолог.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1954/55 йил мавсумининг очилиши — 21/VIII да **Бўрон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза номли театрнинг ёзги биноси)— 21/VIII да **Муқимий**, 22/VIII да **Тоҳир ва Зуҳра.**

Тез кунда — **Фарҳод ва Ширин.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» (кеч соат 9 гача), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз), «ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — янги венгер бадиий фильми **Қаҳрамоннинг қайлиғи.**

«РОДИНА» — кундуз **Порлоқ йўл**, кечқурун **Аршин мололон.**

НАВОИЙ номли — кеч соат 10 гача **Порлоқ йўл**, кеч соат 10 да **Икки бойга бир қарол.**

«ИСКРА» — кеч соат 9 дан **Кето ва Котэ.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб **Темур ва унинг командаси.** Кеч соат 10 да **Разведкачининг жасорати.**

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кеч соат 10 гача **Порлоқ йўл**, кеч соат 10 да **Бўйиндаги Анна.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кечқурун **Ғалати никоҳ.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли, КИРОВ номли — **Қаҳрамоннинг қайлиғи.**

«9-НЧИ МАЙ» — **Партизаннинг болалари.**

«ИСКРА» — **Порлоқ йўл.**

ПУШКИН номли — **Қувноқ юлдузлар.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Ёш гвардия** (2-нчи серия), кечқурун **Ҳаётнинг бошланиши.**

Страхование қилдиручилар диққатига

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТРАХОВАНИЕ ОРГАНЛАРИ колхозларда ва гражданларнинг хўжаликларида СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИНГАН МУЛК УЧУН **мажбурий окладли страхование бўйича тегишли ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИЛАР.**

Колхозлар страхование тўловларини Госстрах инспекциясининг Госбанк бўлимидаги счётига ўтказадилар.

Колхозчилар ва қишлоқ жойларидаги бошқа страхование қилдиручилар страхование пулини район молия бўлимларининг солиқ агентларига, Госстрах инспекторларига тўлайдилар. Шунингдек страхование тўловларини Госстрахнинг Госбанк бўлимидаги счётига почта орқали ўтказишлари ҳам мумкин.

Почта орқали ўтказган тақдирда, почта бланкасида тўловларнинг номи ва суммаси, страхование гувоҳномасининг номери, тўловчининг фамилияси, оти ва отасининг оти ва адресини кўрсатиш лозим.

Шаҳарлар, ишчи посёлкалари ва бошқа жойлардаги страхование қилдиручилар (ишчилар, хизматчилар ва бошқа гражданлар) страхование пулини: а) Давлат банки муассасаларига, б) Коммунал банкнинг кирим кассаларига, в) омонат кассаларига, г) Госстрах агентлари ва инспекторларига тўлайдилар.

Страхование қилдиручилар! Мажбурий окладли страхование тўловларини муддатидан олдин ва ўз вақтида топширингиз!

Давлат страхованиесининг Тошкент область бошқармаси.

ТОШКЕНТ КОНСЕРВАТОРИЯСИГА
студентлар ва педагоглар учун
ХОНАЛАР КЕРАК

Ижара ҳақи ўзаро келишилади. Якшанба кунидан бошқа ҳар куни эрталаб соат 9 дан кеч соат 5 гача учрашилсин. Телефон — 35-274, 30-649.

ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ ЗАВОДИГА
ишлабчиқариш учётини билган **бош бухгалтер ўринбосари, пойафзал мастерлари**
КЕРАК
Адрес: Карл Маркс кўчаси, 85-нчи уй (ТашМИ территорияси да).

КЕЛЕС ПАХТА ЗАВОДИГА
машина-қурилиш бўлимининг бошлиғи, дурадгорлар, гишт теручилар, тунукасозлар, ёрдамчи ишчилар
КЕРАК
Тошкент область, Келес станциясидаги пахта заводининг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Рангли металлургия министрлигининг Ишчи та'миноти Бош бошқармасига
боғларда ҳўл ва қуруқ мевалардан маҳсулот ишлаш учун.
ИШЧИЛАР КЕРАК
Меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади. Овқат ва ётоқ блан иш жойида та'минланадилар.
Тошкент шаҳар, Жуковский кўчаси, Ногин переулки, 5/7-нчи уйда кадрлар бўлимига эрталаб соат 9 дан кеч 6 гача учрашилсин.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р 07903. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1419.